

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-8150

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№9. 2021

Юрtdoшларимизни,
қишлоқ ва сув хўжалиги
ходимлари ҳамда
чорвадору фермер ва
деҳқонларни улуғ айём –
Истиқлол байрамининг
30 йиллиги билан
самимий муборакбод
этамиз!





Хурриятнинг 30 йиллигини муносиб
кутиб олаётган замондошларимизни,
ҳамкасбларимизни ўлуғ
байрам билан самимий қутлаймиз.
Хонадонгизга тинчлик-хотиржамлик
тилаймиз, қалбингиз доимо қувончга
тўлсин! Мустақиллигимиз абадий
бўлсин!

**Норин-Сирдарё ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси жамоаси**

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Пойтахтимизда қисқа муддатда барпо этилган “Янги Ўзбекистон” боғидаги очиқ амфитеатрда 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ишлаб-чиқариш илғорлари, илм-фан, маданият ва санъат соҳаси намояндалари, тадбиркорлар, нурунийлар ва ёшлар ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат МИРЗИЁЕВ байрам нутқини сўзлади. Қуйида Юртбошимизнинг ана шу нутқидан иқтибосларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Халқимиз қалбидаги хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.

1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улғу орзусига эришди – ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Бугунги кутлуғ айёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуғаниевич Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замоनावий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютаимиз – сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлимиз тикланди.

Мухтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақам иродаси ва матонати, беқиёс салоҳиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.



Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб

шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг саноқли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаолликни оширишга эришиб келмоқда.

2017-2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буюн ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.

Аҳолимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ хўжалигини молиялаш тизими қайта кўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг

оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодий тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Биз бундан буён ҳам аҳолимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, уйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017-2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикада ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини

жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан – шунга эътибор беринг – 28 фоизга етказилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган болалар ўттиз ёшга – айни камолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиқлол фарзандлари, озод ва эркин, ҳур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.

Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатингиз ва фидо-корона меҳнатингиз билан юртимизда Янги Ўзбекистонни – Учинчи Ренессансни бунёд этишга албатта қодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа – бошлаган ислохотларимиз ортага қайтмайдиган

муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғонишида намоён бўлмоқда.

Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай халқни Яратганимиз ҳам қўллаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислохотлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда ажодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.

Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай беқиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Мана шу муборак айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.





МУКОФОТ

Истиқлол айёмининг ўттиз йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўлига қўйилган қонун билан Ўзбекистон Республикасидаги давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда фаол қатнашган шахсларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари ходимларидан бир қисмига Фармонлари эълон қилинди. Мазкур ҳужжатларимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, барқарор ва муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик таълим ва тарғиб ишлари тизимининг тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, барқарор ва муваффақиятли амалга ошириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши асосида модернизация қилиш, илғор инновацион технологияларни янги ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва барқарорликни сақлаш, ёш авлодни она Ватанга муносиб ва ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларидаги ибратли фойдаланиш тироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонига эриштирилди.

Биз ҳам кўп сонли журналхонларимиз номидан дилдан қўнғин қўйиб, бўлган ҳамкасбларимизни муборакбод этамиз.

**«Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий
унвони билан**

Аҳмедов Муҳаммад Исматович –
Бухоро туманидаги «Маданият Муҳаммад
Исмат» фермер хўжалиги бошлиғи,
Бухоро вилояти

**«Ўзбекистон Республикаси
Кўрсатган пиллачи»**

билан

Мусурмонкулов Абдураҳмон
ҳамат туманидаги «Ипакчилик» хўжалиги
лиги бошлиғи, Андижон вилояти

Каримов Дилшод Санакулович – Пахтачи туманидаги «Балиқ Ал-Саид» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Нормуинов Боборахмат Эшматович – Чироқчи туманидаги «Нормуинов Боборахмат Эшматович» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Нуритдинов Хусанбой Юсубаевич – Наманган туманидаги гул ва гул уруғлари етиштириш йўналишидаги хусусий тадбиркор, Наманган вилояти

Рахимов Ботир – Қашқадарё вилояти ирригаторлар ва мелиораторлар оқсоқоллар ассоциацияси раиси

Садиков Джахонгир Равшанханович – Яккабоғ туманидаги «Қорабайир» отчилик мажмуаси директори, Қашқадарё вилояти

Сиддиков Равшанбек Иномжонович – Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори

Тураев Мухибулла Рахматуллаевич – Узун тумани «Узунмахсуссупудрат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Ураков Хайдар Мухаммадиевич – Самарқанд туманидаги «Навобод насли парранда» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Фузайлов Фаррух Илхомович – Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб парранда» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

Хажиев Рустам – Ҳазорасп туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

Хамидов Хакиджан – меҳнат фахрийси, Тошкент вилояти

Худайбердиев Хабибулло – Жиззах вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Бердияров Нарбута Кулдашевич – Гулистон туманидаги «Гулистон тумани сервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайн оператори, Сирдарё вилояти

Маматкулов Рустам Уктамович – «Агробанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

Мирзамова Барно Қосимбоевна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси

Мўминов Баҳром Мамаражабович – Қизириқ туманидаги «Мадина Илҳом қизи» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Мусаев Омонджан Мухаматяминович – «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси раиси

Оқмаматов Олим Ҳайитович – Муборак туманидаги «Муборак» қорақўлчилик масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Қашқадарё вилояти

Пулатов Фаррух Жаҳонгирович – «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси раиси

Рахманова Мукаддасхон Мураталиевна – «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг Норин тумани марказий биологаторияси бўлими мудирини, Наманган вилояти

Реймов Хамид Жолдасбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Қууаниш жарма» ирригация тизими бошқармаси бошлиғи

Шодиев Салим Собирович – Вобкент тумани ирригация бўлими бош гидротехниги, Бухоро вилояти

«Жасорат» медали билан

Абдираимов Бекзод Эралиевич – Гулистон туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, асаларичи, Сирдарё вилояти

«Шуҳрат» медали билан

Абдурахимова Мехрибон Аминбоевна – Арнасой туманидаги «Арнасой агро пилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Жиззах вилояти

Абдухаликова Жумагул – Янгиобод туманидаги «Янгиобод агро пилласи» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Жиззах вилояти

Аширов Ёқуббой Хужамуратович – Амударё туманидаги «Ёқуббой Аширов» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ашуров Каримжон Муминович – Қува туманидаги «Ашуров Мўминжон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Бабабеков Баҳадир Мажитович – Сайхунобод тумани ирригация бўлими етакчи муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

Бектурдиев Машарип Сапоевич – Оролбўйи дала гидрогеология экспедицияси бурғилаш қурилмаси машинисти, Хоразм вилояти

Бозоров Элбой Хасанович – Жомбой туманидаги «Sag Agro» масъулияти чекланган жамияти муҳандис-биотехнологи, Самарқанд вилояти

Гайпов Аскербай Сарсенбаевич – «Қонлиқул агросервис машина-трактор парк ва интеграллаштирилган сервис маркази» масъулияти чекланган жамияти «Магнум» оператори, Қорақалпоғистон Республикаси

Дониёров Неъмат Равшанович – Хатирчи туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

Ибрагимова Айшахон Маруфовна – Ёзёвон туманидаги «Yozyovon Silk Vats» пиллачилик кластери раҳбари, Фарғона вилояти

Исомудинов Авазбек Хабибиллаевич – Пахтаобод туманидаги «Эргашбой ота Абдулло» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Исоқов Ғайрат Суюндикович – Жомбой туманидаги «Чорвачи» фермер хўжалиги бошлиғи, чавандоз, Самарқанд вилояти

Йўлдашев Мўйдинжон Кобилович – Бувайда тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Фарғона вилояти

Каримов Бозорбой Рахимович – Хива туманидаги «Валико плюс» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Мираширова Назира Абдухатовна – Гулистон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сирдарё вилояти

Отажонов Муроджон Урмонович – Ўзбекистон туманидаги «Ўрмонобод» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Раззаков Алишер Хуразбаевич – Зарбдор туманидаги «Акбар Шаҳзод» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Туйчиев Самандар Турсунбаевич – Поп тумани Чоркесар қишлоғидаги чўпон, Наманган вилояти

Холматов Комол Шерматович – Фориш туманидаги «Буюк Жавохир тимсоли» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Худайберганов Шокиржон Қодамбаевич – Урганч туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Хоразм вилояти

Юсупов Носир Фатихович – Булунғур туманидаги «Bulungur-Sandvik» агрофирмаси раҳбари, Самарқанд вилояти

Юсупов Тенизбай Кокленович – Бўзатов туманидаги «Бўзатов» давлат ўрмон хўжалиги чўпони, Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА ГУЛЧИЛИК
ВА КЎЧАТЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий гул навларини парваришlash, аҳоли ўртасида гулчилик санъати сир-асрорларини оммалаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Республикада гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини ривожлантириш, шу жумладан, гул етиштиришда аҳоли билан кооперация муносабатларини йўлга қўйиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларига илмий ишланмаларни жорий этишда тадбиркорларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида **Гул етиштирувчилар уюшмаси** ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Гул етиштирувчилар уюшмасига: тадбиркорлик субъектларини гулчилик ва кўчатчилик билан шуғулланишга қизиқтириш, уларни билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ўқитиш, шу жумладан, хорижий давлатларда ўқитиш, шунингдек, бу жараёнга хорижий мамлакатлардан малакали мутахассисларни жалб қилиш;

гулчилик соҳасига оид семинар, анжуман, ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш, шунингдек, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмаларда иштирокини таъминлаш;

хорижий давлатлардан экспортбоп гул навларини парваришlash учун олиб келиш ва уларни маҳаллийлаштириш, шунингдек, парваришланган гулларни экспорт қилиш ишларини ташкил этиш бўйича яқиндан амалий ёрдам кўрсатсин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Андижон вилоятининг **Андижон, Избоскан ва Олтинкўл** туманларини, Наманган вилоятининг **Наманган ва Давлатобод** туманларини ҳамда Жиззах вилоятининг **Зомин**

ва Ғаллаорол туманларини гулчиликка ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, А.Тўраев) **Гул етиштирувчилар уюшмаси** билан биргаликда **уч ой муддатда** гулчиликка ихтисослашган туманларда тажриба тариқасида гулчилик соҳасида тажрибага эга бўлган тадбиркорлар томонидан **гулчилик кластерлари ташкил қилинишини таъминласин.**

3. Халқаро молия институтларидан қишлоқ хўжалиги соҳаси учун жалб қилинадиган кредит линиялари мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун ҳам йўналтирилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, гулчиликка ихтисослашган туманларда:

гулчилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятларини кенгайтиришлари учун **0,06 гектардан 1 гектаргача** ер майдонлари очиқ электрон танлов орқали **30 йилга деҳқон хўжалигини юритиш мақсадлари учун** ер участкаларини ижарага бериш тартибида ажратилади;

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ажратилган маблағларнинг камида **10 фоизи гулчилик лойиҳаларини ташкил қилиш учун ажратилади;**

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга очиқ майдонда ҳамда иссиқхоналарда гул етиштириш бўйича агротехник тадбирларни ўргатиш мақсадида Андижон, Жиззах ва Наманган вилоятларида ҳар бирининг майдони **2 сотих бўлган 25 та “Гулчилик ўқув полигон”ларини ташкил этиш** учун **0,5 гектар** ер майдони ташаббускор тадбиркорларга электрон онлайн-аукцион (қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда) ёки очиқ электрон танлов (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда) орқали ижарага берилади;

“Гулчилик ўқув полигон”ларида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган

ва махсус сертификат олган ишсиз, эҳтиёжманд оилаларга гул ва кўчат етиштиришни ривожлантириш мақсадида 6 сотихдан ер майдони электрон онлайн-аукцион (қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда) ёки очиқ электрон танлов (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда) орқали ижарага берилади.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Андижон, Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари **икки ой муддатда** “Гулчилик ўқув полигони” ташкил қилиш истагини билдирган ташаббускор тадбиркорлар учун ер майдонларининг электрон онлайн-аукционга ёки очиқ электрон танловга қўйилишини таъминласин.

5. **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021-2024 йилларда йиллик экспорт тушумида гул экспортидан тушум улуши камида **30 фоизи ва 100 минг АҚШ доллардан кўпни** ташкил қиладиган тадбиркорлик субъектларининг **хомашё** (гул кўчатлари, уруғлари, пиёзлари ва пайвандтаглари) импорти учун сарфланган транспорт харажатларининг **50 фоизи Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади.**

6. 2023 йил 1 январга қадар туганаклар, пиёзбошлар, туганаксимон илдизлар, туганак пиёзлар, илдизпоя, жумладан, вегетатив тиним ҳолатидаги, вегетация ёки гуллаш давридаги сертармоқлари, бошқа тирик ўсимликлар ва пархиши (ТИФ ТН коди 0601 ва 0602) импортида **божхона божининг ноль ставкаси қўлланилсин.**

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги **икки ой муддатда** илмий-техник дастурлар доирасида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларининг кўламини кенгайтиришга қаратилган, аниқ натижа берадиган лойиҳаларга давлат буюртмасини шакллантириб, рақобат асосида молиялаштиришга танлов эълон қилсин.

Бунда, илмий лойиҳаларга ажратиладиган маблағларнинг камида **40 фоизи экспортбоп ва қиммат гулларни** (орхидея, лилия, пион ва бошқалар) маҳаллий иқлимга мослаштириш учун ген инженериясига ихтисослашган илмий лабораторияларни ташкил этиш ҳамда жиҳозлашга йўналтирилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида Гулчилик магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режасига гулчиликка оид мутахассислик фанларини киритиш ва ўқув соатларини оширишга эътибор қаратсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетида Туркия Республикасининг Испарта амалий фанлар университети билан ҳамкорликда Манзарали боғдорчилик ва гулчилик соҳасида кадрлар тайёрлашни қўшма таълим дастурлари асосида йўлга қўйсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқароларни гулчилик соҳасига ўқитиш мақсадида **икки ой муддатда Андижон вилояти Шаҳрихон тумани, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ва Тошкент вилояти Зангиота туманидаги агротехнологиялар техникумларида ландшафт дизайни, гулчилик селекцияси ва кўчатчилик йўналишларида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш** бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев, А.Тўраев) уч ой муддатда Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган гул етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида “Гулчиликка

ўқитиш маркази” фаолиятини йўлга қўйсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Гулчиликка ўқитиш маркази”га Нидерландия қироллиги, Туркия Республикаси ва Таиланд қироллигидан жалб қилинадиган малакали мутахассисларнинг Ўзбекистонга келиб-кейтиш ва яшаш харажатларининг **50 фоизини** Европа Иттифоқининг “Бюджетни қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида агросаноат мажмуасини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб бериш чораларини кўрсин.

12. Республикада гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Гулчилик фаолияти билан шуғулланаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳар бир ҳудудларда гул кўчатлари таъминотчилари билан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида лойиҳалар сонини кўпайтириш учун маҳаллаларда гулчилик лойиҳалари бўйича тақдимотлар ва семинарлар ўтказилишини таъминласин;

Наманган, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **икки ой муддатда** Наманган, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида гул ҳамда кўчатларнинг йирик улгуржи бозорини ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **ҳар йили апрель-май ойларида Наманган вилоятида “Халқаро гуллар фестивали”ни ўтказиш** юзасидан чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

15. Бош вазир ўринбосари Ш.Фаниев бир ҳафта муддатда Гул етиштирувчилар уюшмаси фаолиятини ташкил этиш, хорижий мамлакатлардан эксперт ва мутахассисларни жалб қилиш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш, халқаро гуллар фестивали ва кўргазмаларда иштирок этиш ҳамда илмий конференцияларни ўтказиш, соҳага оид замонавий хорижий адабиётларни олиб келиш ва таржима қилиш, гулчилик соҳасига оид маҳаллий илмий ишлар, монографиялар ва нашрларни рағбатлантириш, гул турлари тизимини яратиш (соғлом ва

бошланғич гул етиштириладиган кўчатхоналар) учун Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан **20 миллиард сўм** миқдорида маблағ ажратилишини таъминласин.

16. Гулчилик соҳасига оид лойиҳаларни молиялаштириш устувор равишда “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан, шунингдек, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида эса барча тижорат банклари томонидан амалга оширилиши белгилансин.

17. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (А.Тўраев) ўз тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг бўш ер майдонларида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган **хона, гулзор, бута, манзарали дарахт ва совға гуллари** етиштириладиган кўчатхоналар ташкил этилишини таъминласин.

Бунда, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига мазкур бандда назарда тутилган кўчатхоналарни маҳаллий ва хорижий корхоналар билан ҳамкорликда ташкил этиш учун ўзига тегишли ер майдонларини ажратиш ҳуқуқи берилади.

18. Гул етиштирувчилар уюшмаси Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманининг А.Яссавий маҳалласи ҳудудида жойлашган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига тегишли бинода текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори А.М.Тўраев ҳамда Гул етиштирувчилар уюшмаси раиси белгилансин.

Ушбу қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 4 август*

2017 йил бошида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси»нинг устувор йўналишларидан бири сифатида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал равнақ топтириш белгиланди. Мазкур ҳужжат аграр соҳадаги фаолиятни мутлақо янги шакл ва мазмунда ташкил этишда муҳим қадам бўлди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ислоҳ қилиниши ва ривожланишига ҳуқуқий асос бўлган бир қатор қонунлар, Президент Фармонлари, қарорлари ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, 2019 йил 23 октябрда Президент фармони билан тасдиқланган «2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси» аграр соҳанинг яқин келажакда ривожланиш истиқболлари ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг тўққизта устувор йўналишларини белгилаб берди.

Соҳани модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илм-фантаълим-ишлаб чиқаришни интеграциялаш, бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, фермерлар ва деҳқонларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий самарадорлик ва моддий манфаатдорликни ошириш, маъмурий буйруқбозликка барҳам бериб, самарали бошқарув тизимини жорий қилиш, мажбурий меҳнат ҳолатларини бартараф этишга эришилаётгани янги Ўзбекистон даврида амалга оширилаётган жадал ислохотларнинг ҳосиласидир, десак айтиш ҳақиқат бўлади.

Ўтган 5 йилга назар ташласак, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида эришилган натижаларни аниқ рақамларда кўрамай.

Президентимизнинг қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат салмоғини ошириш мақсадида кластер усулидан

фойдаланиш ғояси ҳаётда ўз самарасини кўрсатмоқда. Ташкил этилган 463 та агрокластерларнинг 122 таси пахта-тўқимачилик, 157 таси ғаллачилик, 146 таси мева-сабзавотчилик, 29 таси шолчилик, 9 таси дориворчилик йўналишларида фаолият юритмоқда. Агрокластерлар томонидан пахтанинг 100 фоизи, ғалланинг 91,7 фоизи, мева-сабзавотнинг 7,2 фоизи қайта ишланмоқда.

Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурида белгиланган тадбирлар доирасида 2030 йилгача 1,1 млн. гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни оборотга киритиш белгиланди. Сўнгги 3 йил давомида 363, 3 минг гектар, жумладан, 208,1 минг гектар фойдаланишдан чиққан суғориладиган ер майдонлари, 155,2 минг гектар чўл, адир худудлардаги лалми ва яйлов ерлар ерости сувлари ҳисобидан ўзлаштирилиб, фойдаланишга киритилди. Ушбу мақсадда 1169 км. суғориш тармоқлари қурилди, 336 км. коллектор тармоқлари таъмирланди, 895 дона суғориш қудуқлари ва 187 дона насос агрегатлари ўрнатилди, 1706 км. электр узатиш тармоқлари тортилди.

Ушбу даврда 442 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Жумладан, 259234 гектар томчилатиб суғориш, 12280 гектар ёмғирлатиб суғориш, 8374 гектар дискрет (пулсар) суғориш, 163000 гектар эгилувчан қувурлар орқали суғориш технологиялари жорий этилди.

2017-2020 йилларда 69,6 минг гектар интенсив боғ, 57 минг гектар тоқзорлар, 4850 минг гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилди, сабзавот, полиз, картошка ҳамда озуқа экинлари майдонлари сезиларли даражада кенгайди.

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, жумладан, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун 2019-2020 йиллар ва жорий йилнинг 1-чорагида жами 238,3 млрд. сўм субсидиялар ажратилди.

Бошоқли дон ва пахта хомашёсини етиштириш учун 2017-2020 йилларда ва жорий йилнинг биринчи ярмида 35 трлн. 109 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу маҳсулотларга давлат буюртмаси ва харид нархларини шакллантириш тизими ислоҳ қилинди.

2016-2020 йиллар мобайнида Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотлари иштирокида умумий қиймати 2 млрд. 563 млн. долларлик 12 та лойиҳа амалга оширилди, 2021 йил бошига 1467,7 млн. доллар ўзлаштирилди.

Аграр соҳа фани Қишлоқ хўжалигида билимлар ва инновациялар миллий марказига мужассамланди. Илмий муассасалар эндиликда илгаригидай фақат тадқиқот, тажриба ва синов ишлари билан эмас, балки илмий натижаларини бевосита тарғиб ва жорий

қилиш, ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш, илғор ва инновацион технологияларни татбиқ қилиш билан ҳам шуғулланади.

Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш тизими ислоҳ қилинди. Таълимнинг модуль-кредит тизими жорий этилди.

Соҳанинг яқин истиқбол ва келажакдаги равнақи ҳамда олий малакали мутахассисларга эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига қабул миқдори 3 марта ошди. Янги 18 та бакалавриатура таълим йўналишлари ва 20 та магистратура мутахассисликлар, хорижий ва маҳаллий олий ўқув юртларининг 3 та филиали, 17 та агротехнологиялар техникумлари ташкил этилди. Германия, Россия, Польша, Белоруссия давлатлари ҳамкор олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари жорий этилиб, ҳозирги кунда 485 нафар талаба таҳсил олмақда. Аграр таълим соҳасида илмий салоҳият қарийб 1,5 марта ошди, 29 фан доктори ва 115 та фалсафа доктори диссертациялари ҳимоя қилинди.

Сўнгги беш йил қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор тажриба ва технологияларни, илм-фан ютуқлари ва инновацион ғояларни жорий қилиш орқали эътиборга молик миқдор ва сифат ўзгаришларига эришиш даври бўлди. Амалга оширилган изчил тадбирлар иқтисодий кўрсаткичларда ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

2017-2020 йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати ҳажми гарчанд 3,4 мартага ошган бўлса-да, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги ўсиш ҳисобига мамлакат ЯИМдаги унинг улуши 2017 йилдаги 34 фоиздан 2020 йилда 28,1 фоизгача босқичма-босқич камайди. Қайта ишланган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ҳажми 1,75 мартага ошди. Ушбу даврда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1,5 баробар, яъни аҳоли жон бошига олганда 1,4 баробар кўпайди. Шу билан бирга, деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1,3 баробар, чорвачиликда

ишлаб чиқариш – 1,7 баробарга ортди.

Ўзанинг серхосил ва тола сифати юқори 30 та навлари яратилди, 36 минг гектар ғўза майдонларда томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилди, минерал ўғит билан таъминланиши даражаси ўсди, қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланиши 85 фоиздан 92 фоизга етди.

Агротехнологик жараёнларни такомиллаштириш, ресурстежамкор технологияларни татбиқ қилиш, экинларни оқилона жойлаштириш, биотехнологияларни қўллаш ва уруғлик сифатини яхшилаш асосида асосий экин турлари буйича ҳосилдорликнинг ўсиши таъминланди. Картошка ва сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги 1,2 баро-



бар, мёва ва резаворлар ҳосилдорлиги 1,9 баробар ошди. Қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификациялаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши туфайли озиқ-овқат таъминоти яхшиланди, ички истеъмол бозорида барқарорлик таъминланди. Аждодларимиз бой мероси ва илғор хорижий тажрибалар асосида экологик тоза органик маҳсулотлар етиштириш тизими ривожланмоқда. 100 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари дунёнинг 90 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинишига эришилди. Экспорт ҳажми 1,3 мартага ошди, унинг таркибида қайта ишланган ва тайёр маҳсулотлар салмоғи 2,5 марта кўпайди.

Пандемия даврида юзага келган қийинчилик ва муаммоларга қарамасдан аграр соҳада тизимли фаолият амалга оширилди. 2020 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярмида соҳанинг барча тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмлари сезиларли даражада ўси-

шига эришилди.

2020 йилда мамлакатимизда 3 млн. тоннадан ортиқ пахта, 7,5 млн. тонна дон, 21 минг тонна пилла, 2 млн. 526,2 минг тонна гўшт ва 11 млн. тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 2020 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 10 млн. 459 минг тонна сабзавот (2019 йилга нисбатан 2,4 фоиз ўсиш) ишлаб чиқарилди.

2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 112,5 трлн. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,7 фоизни ташкил этди.

Соҳада эришилган натижалар салмоқли бўлса-да, қишлоқ хўжалигида мавжуд имкониятлардан ва ресурслардан фойдаланиш даражасини янада ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Жаҳондаги глобал муаммолар ва ўзгаришлар, истеъмол бозорида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж, уларнинг тури, сифат ва миқдор кўрсаткичларига қўйилаётган талаблар асосида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, илғор тажриба ва технологияларни

ўрганиш ҳамда жорий қилиш орқали яқин келажакда аграр соҳа самарадорлигини юксалтириш бўйича тизимли чоралар белгиланмоқда.

Соҳанинг ҳар бир тармоғи, ҳар бир ҳудуд ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар кесимида ўсиш нуқталари аниқланмоқда, уларни жадал ривожлантириш бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Қадимдан деҳқончилик маданияти ривожланган заминимиз, омилкорлиги билан танилган миришкорларимиз, соҳа ривожига муҳим эътибор қаратаётган давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар истиқболда белгиланган эзгу мақсадлар амалга ошишида, шубҳасиз, муҳим омил бўлади.

Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
хўжалиги вазири маслаҳатчиси,
Иргаш ТАШБАЕВ,
и.ф.н. доцент, ТДАУ.

УЗУМЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ



Мазкур қарордан кўзланган мақсад:

-халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий деҳқончилик маданияти, қадриятларидан келиб чиқиб, узум етиштиришни миллий маданият сифатида ривожлантиришдан;

-узумчиликни йирик майдонларда, кластер ва кооперация усулида етиштириш орқали соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиш, узумни сақлаш, саралаш ва қайта ишлашни рағбатлантиришдан;

-маҳаллий узум навларининг миллий брендларини яратиш ва янги бозорларга чиқиш орқали экспортни кенгайтиришдан;

-илмий асосланган ҳолда узум етиштириш, унинг янги ҳосилдор, данаксиз навларини яратиш мақсадида узумчилик илмий мактабини ривожлантириш ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини йўлга қўйишдан иборат.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 48 та туман узум етиштиришга ихтисослаштирилган энг мақбул майдонларида 2021-2024 йилларда жами 156,9 минг гектар жумладан, 132,4 минг гектар фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ва 25,5 минг гектар аҳоли томорқасида янги узумзорлар барпо этилади ҳамда уларни истеъмолчига етказишга қадар узлуксиз тизимни яратилади.

Узумзорлар барпо этиш учун ер майдонларини ажратиш механизми кўйдагилар билан белгиланди:

Жорий йил 1 августдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари (суғориладиган ва лалми ерлар) токзорлар барпо этиш ва узумчиликни ривожлантириш учун очиқ танлов асосида 30 йил муддатга ижарага бериш;

ер участкалари очиқ танловга деҳқон хўжаликлари ташкил этган ҳолда токзорлар барпо этиш учун — 0,06 — 1 гектар ўлчамларда, яхлит контурда йирик токзорлар барпо этиш учун эса 1 — 30 гектар ўлчамларда чиқарилади;

ташаббускорларга ажратилган майдонда қишлоқ хўжалиги вазирлиги тавсиялари асосида сертификатланган ток кўчатларини экиш ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш.

узум етиштиришга ихтисослаштирилган 48 та туманининг ҳар бирида тупроқ-иқлим шароити узумчилик (хўраки) учун энг қулай бўлган камида 2 000 гектар ер майдонлари ажратилади.

Шунингдек, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб аҳоли томорқаларида, маҳаллаларда узум етиштиришни кенгайтиришнинг янги механизми жорий этилади. Унга қўра,

аҳоли томорқаларида узум етиштирувчи ташаббускорлар аниқланади, уларнинг манзилли дастури шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 28 июлда “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

лойиҳа ташаббускорларига манзилли дастурга асосан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратилади;

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун оилавий тадбиркорлик дастури доирасида, жорий йилда қўшимча 100 миллиард сўм кредит ресурсларини ажратилади.

Эътиборли жиҳати, аҳоли томорқаларидан, кўп қаватли уйлар олдидаги ерлардан ҳамда маҳалла ички кўчалари ва катта йўл бўйларидан унумли фойдаланиш мақсадида узум экиш ташкил этилади. Бу борада илғор, ибратли маҳаллалар тажрибаси ўрнак қилиб олинади.

Узум етиштиришнинг янада кенгайтириш мақсадида ҳар икки йилда бир маротаба узумчилик йўналишида «энг яхши узум нави», «энг яхши интенсив токзор», «энг яхши маҳаллий узум нави», «энг яхши вино маҳсулоти» каби номинацияларда ўтказиладиган республика кўрик танлови таъсис этилади.

Шунингдек, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси шартлари асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросервис оператор» ДУКга ажратилган ҳамда фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган 20 гектардан кам бўлмаган ерларда боғ ва токзорларни барпо этиш ҳамда ташаббускорларга бериш тартиби белгиланди.

Сертификатланган узум кўчатларини етиштириш мақсадида замонавий кўчатхоналар барпо қилинади, сертификатланган узум плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар тижорат банклари томонидан 10 йил муддатга (5 йиллик имтиёзли давр билан) 3 фоиздан кўп бўлмаган маржа билан тижорат кредити ажратилади.

Тадбиркорларларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бюджетидан ҳар йили қўшимча 100 миллиард сўмгача субсидия маблағларини ажратилиши белгиланди. Бу маблағлар ҳисобидан:

– яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги узум ва мевали боғлар плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида насос станциясини қуришга ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда;

– янги интенсив боғ ва токзорларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурғиланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш ишларини лойиҳалаштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир лойиҳага 10 миллион сўмгача;

– аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда жойлашган 10 гектардан кам бўлмаган лалми ва фойдаланишдан чиққан ерларда узум ва мевали боғлар плантацияларини ташкил этиш учун қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси (кўёш, сув, шамол) билан таъминлаш ускуналарини сотиб олиш харажатларнинг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

– маҳаллий шароитда «in-vitro» усулида етиштирилган ҳар бир дона ток кўчати ва пайвандтагли ток кўчати учун 5 минг сўм миқдорда;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан экспорт қилинган ҳар бир литр узум ва мева-резаворлардан тайёрланган табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда бренди учун 5 минг сўмдан кўп бўлмаган миқдорда;

– узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан ус-тунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида бир дона шпалерга 15 минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

– майиз қуритиш ва қадоқлаш линиялари ҳамда виночи-лик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, бироқ 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази илмий-тадқиқот институтларининг ер майдонлари-да камида 500 гектар тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган, уруғсиз, совуққа чидамли, экспортбоп ва пайвандтагли узум кўчатлари етиштириш;

– 2021-2022 йилларда узумнинг ҳосилдорлиги юқори, со-вуққа ва касалликка чидамли ҳамда данаксиз янги навларини яратиш мақсадида Россия, Чили, Туркия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг илмий муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилди;

– узумнинг вируслардан ҳоли, сертификатланган, уруғ-сиз, совуққа чидамли, экспортбоп, янги навларини яратиш, уларнинг кўчатзорларини ташкил этиш, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши курашиш, инновацион технологиялар-ни жорий қилишга оид грантлар танловини эълон қилинади.

2021 йил якунига қадар Жиззах ҳамда Фарғона давлат университетларида узумчилик ва виночилик ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳам-корликда қўшма факультетлар ташкил этилади.

– халқаро маркетинг компанияларини жалб қилган ҳолда маҳаллий хўраки узум навлари, майиз ва табиий винонинг миллий бренд сифатида Хитой, Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа давлатлари ва бошқа мамлакатларга экспорт қилиш ҳажмларини кенгайтириш чоралари кўрилади.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар илмий ходимлар, соҳа мутахассислари ҳамда узум етиштирувчилар ва қайта ишловчиларни «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда халқаро молия институтлари грант маблағлари ҳисобига узумчилик ривожланган хорижий мамлакатларга узоқ ва қисқа муддатли стажировка, малака ошириш ва ўқишга юборилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур узумчилик тармоғини янада ривожлантиришга, уни янги поғонага кўтаришга хиз-мат қилади.

Фахриддин ҚИРГИЗБОЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мева-сабзавотчилик, узумчилик, поллизчилик ва картошқачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

Акмал МИРЗАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мева-сабзавотчилик, узумчилик, поллизчилик ва картошқачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Боғдорчилик ва узумчилик бўлими бошлиғи.



ПАХТА ТЕРИМИНИ ОТРЯД УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Республикаимизда пахта ҳосилдорлиги ошиб, гектар ҳисобига 40-50 центнер “оқ олтин” етиштираётган илғор фермерлар сафи кенгайиб бормоқда. Юқори ҳосил юқори унумли йиғим-терим техникасини талаб қилади.



Мамлакатимизда пахта ҳосилдорлиги ошиб, ҳар гектардан 40-50 центнер “оқ олтин” етиштираётган илғор фермерлар сафи кенгайиб бормоқда. Юқори ҳосил юқори унумли йиғим-терим техникасини талаб қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалиги техникалари заводи ва “ЎзКейс-маш” қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган ва фермер хўжаликлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари-га етказиб берилаётган МХ-1,8, СЕ-220, “Кейс-1200” русумли, “Жон-Дир” компаниясидан олиб келинган “John Deere 9970” русумли пахта териш машиналари ана шундай техникалар сирасига киради.

Ҳар йили юқори унумли техникаларни бир жойга жамлаб, отряд усулида ишлаётган Дўстлик, Сирдарё, Сайхунобод, Боёвут каби туманларда ҳосилнинг салмоқли қисми машиналар ёрдамида териб олинмоқда.

Дарҳақиқат, пахта ҳосилини қисқа муддатларда, нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишнинг илғор усули – бу туман “Агросервис МТП”, пахта-тўқимачилик кластерлари ва йирик фермер хўжаликларида йиғиш-ташиш отрядларини ташкил этишдир.

Ҳар бир отряд таркиби далаларни машина теримига тайёрлаш, пахта териш, пахта ташиш, техник хизмат кўрсатиш ва маданий-маиший хизмат звеноларидан иборат бўлиши лозим. Бу звенолар биргаликда даладаги пахта ҳосилини қисқа муддатларда минимал сарф-харажатлар билан ва сифатли йиғиб олишга хизмат қилади.

Йиғиш-ташиш отрядига машина теримини ташкил этишда катта амалий тажрибага эга бўлган муҳандис ёки агроном раҳбарлик қилади.

Далаларни машина теримига тайёрлаш звеноси. Жами 1000 гектар пахта майдонига эга бўлган 13-15 та фермер хўжалиги учун битта шундай звено ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу звенонинг вазифасига пахта майдонларини теримга сифатли қилиб тайёрлаш, йўл, ўқариқ ва бешамакларни текислаш, бурилиш майдонларини очиш киради.

Звено ихтиёрида бульдозерлар ва ер текислагичлар осилган универсал-чопиқ тракторлари бўлади. Звено бошлиғи (одатда, механик ёки энг тажрибали механизатор) машиналар учун ажратилган пахта майдонларини қуйидаги талабларга жавоб беришини алоҳида назоратга олиши керак: қатор оралиғи кенглигининг белгиланганидан четланиши, кўпи билан ± 3 см.; пушталарнинг чуққиларида 5 см. дан катта йирик кесаклар бўлмаслиги лозим; ғўза тупларининг баландлиги

80-100 см. атрофида; терим олдида ғўза барглари тўкилиш даражаси, энг камида 85-90%; ғўза тупларидаги кўсақларнинг очилганлик даражаси 80-90%; даланинг боши ва охирида машинанинг қайрилиши учун тайёрланган текис майдончанинг кенглиги, энг камида 10 метр; ҳамма ўқариқлар ва бешамаклар сифатли текисланган бўлиши шарт; дала контурларининг шакли тўғри тўртбурчак (конверт) кўринишига келтирилган (машинанинг иш унуми ва кўрсаткичлари ортади); узунлиги энг камида 500 метр (машина кун давомида бир даланинг ўзида ишлайди, қайрилиш ва бурилишларга кўп вақт сарфланмайди); далалар бегона ўтлар, айниқса, ғўзага ўралиб ўсувчи ўсимликлардан (масалан, печакдан) тоза (шпинделлар тез кирланмайди, уларни тозалаш осонлашади); кўчат сони гектарига 100-120 минг туп атрофида (далада режадаги ҳосил тўпланади, машинада кўп пахта терилади); ғўзалар бир текис ривожланган, пахта ҳосилдорлиги гектарига энг камида 30-35 центнер атрофида (кам ҳосилли далаларда машинанинг агротехник кўрсаткичлари ва иш унуми пасайиб кетади).

Пахта териш звеноси. Кундалик иш унуми турлича бўлган МХ-1,8 ва СЕ-220 русумли машиналарни алоҳида-алоҳида звеноларга жамлаш мақсадга мувофиқдир.

МХ-1,8 русумдаги машиналари бор отрядда 1000 гектар пахта майдони учун 4 та пахта териш звеноси ташкил қилинади.

Ҳар бир звенога 250 гектар майдон ва 4 та (250/60) МХ-1,8 тўғри келади.

Агар отряд СЕ-220 типдаги машиналарга эга бўлса, 2 та звено тузилади. Ҳар бир звенога 500 гектар пахта майдони ва 5 та (500/100) СЕ-220 машинаси бириктирилади.


Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида МХ-1,8 нинг ҳар бирига бир кунда 4 гектар, СЕ-220 га 6,66 гектар пахта майдони ажратилади. Терим икки сменада ташкил қилинганда ҳар бир машинада 2 нафар механик-ҳайдовчи ишлайди.

Звено бошлиғи (муҳандис-техник ходим ёки тажрибали механик-ҳайдовчи) пахта териш машинасини ғўзанинг ҳолати ва ҳосилдорлигига қараб ростлашни, терим сифатини назорат қилишни, механик-ҳайдовчиларга йўл-йўриқ кўрсатишни яхши билиши ва терим техникасидан фойдаланишда юқори самарадорликни таъминлаши лозим.

Звено бошлиғи пахта ҳосилини машинада териш қоидаларига қатъий амал қилади: пахта даласи бутун кенглиги бўйича 10 қатордан иборат алоҳида-алоҳида пайкалларга

ажратилади ва улар нишон қозиклари билан белгиланади. Пайкаллардаги қаторлар ёндош қатор ораларидан бошлаб саналади; қаторларга кириш олдиан аппарат иш тирқишининг кенлиги ростланади. У пахта ҳосилдорлиги ва ғўзаларнинг ривожланганлик даражасига қараб 22-40 мм. атрофида ўрнатилади; аппаратлар ёндош қаторларга кирмаслиги керак, чунки бундай қатор ораларининг кенлиги турлича бўлгани туфайли ғўза туплари иш тирқишига эгилиб киради, пахта ерга кўп тўкилади ва аппаратлар ғўзаларни шикастлайди; қаторларга кириш олдиан аппарат ва вентиляторлар ишга туширилади ва тракторнинг зарур тезлик узатмаси қўшилади. Двигатель энг катта тезликда ишлашга қўйилади; аппарат иш ҳолатига туширилади. Қайрилиш жойларида охириги ғўза туплари бошқариловчи ғилдираклар билан тенглашгандан кейингина машинани оҳиста ва равон қайириш керак; дала-нинг бошида ғўза тўплари аппарат иш тирқишига тўппа-тўғри кириши лозим. Пайкаллардан чиқаётганда охириги ғўза тупи иш тирқишидан ўтгандан кейингина, двигателнинг айланиш частотасини камайтириш мумкин; терим аппаратининг ерга нисбатан баландлиги ғўза тупидаги пастки кўсақларнинг пахта-си тўла териладиган, барабанларнинг пастки дисклари эса

пуштага тегмайдиган қилиб ўрнатилади. Механик-ҳайдовчи аппарат рамкаси тупроқни сидирмаётганини ва катта кесаклар иш тирқиши олдини тўсмаётганини доимо кузатиб бориши керак; қабул камералари тикилиб қолганда машина, аппарат ва вентиляторни дарҳол тўхтатиб, тикилган нарсаларни олиб ташлаш, носозликларни бартараф этиш лозим. Қабул ка-



мераси тикилиб қолганда иш давом эттирилса, пахта ерга кўп тўкилади, шпинделларга пахта ўралашади ва ажратгичлар синиб кетади; шпинделлар сатҳи – шира босмаган ва пахта толалари билан ўралмаган – тоза бўлиши лозим. Шпинделлар ифлосланганда уларни босим остидаги сув билан ювиб тозалаш шарт. Акс ҳолда, машинанинг агротехник кўрсаткичлари 3-4 фоизга пасайиб кетади; бункер пахта билан тўлганда дарҳол бўшатиш лозим. Бункери кўтарилган машинани юргизиш қатъиян ман этилади; қаторлардан чиқишда, пахта бўшатишда, бир даладан бошқа далага ўтишда ва йўлда юрганда аппаратлар транспорт ҳолатга кўтарилади. Машинани узоқ масофага ҳайдаб боришда терим аппаратларини транспорт ҳолатга кўтариш ва уларни тирак ёрдамида қимирламайдиган қилиб қотириш керак, шунда аппаратлар ўз-ўзидан ерга тушиб кетмайди.

Пахта ташиш звеноси. Ҳар бир отрядда 2 та пахта ташиш звеноси ташкил этилади. Бу звеноларнинг вазифаси пахта машина бункерларидан тайёрлов пунктигача тўхтовсиз ташиб туришдан иборат.

Битта звено 4-6 та тўрт ғилдиракли трактор ва пахта ташийдиган 8-12 та тиркамалардан ташкил топган. Ишни икки сменада ташкил қилиш мақсадида звенога 8-12 нафар механизатор ва 4-6 нафар ёрдамчи ишчи бириктириб қўйилади.

Пахта ташиш звеносининг бошлиғи пахта териш машиналарининг ҳаракат маршрутларини, уларнинг соатлик иш унумдорлигини яхши билиши, трактор поездларининг ўз вақтида бориб қайтишини таъминлаши, энг асосийси, бункерлари пахтага тўлган пахта териш машиналарининг далада туриб қолишига ва ташиш пайтида пахта тўкилишига йўл қўймаслиги керак.

Техник хизмат кўрсатиш звеноси. Отряд таркибидаги ҳамма машина ва агрегатлардан кун давомида юқори унум билан фойдаланиш кўп жиҳатдан уларга техник хизмат кўрсатадиган звенонинг аниқ ва сифатли ишлашига боғлиқ бўлади. Звенонинг асосий вазифаси – машиналарга сменали техник хизмат кўрсатиш ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб бажариш, смена давомида юз берган носозликларни бартараф этиш, ишдан чиққан деталларни даланинг ўзида таъмирлаш ёки алмаштиришдан иборат.

Звено таркиби 6 кишидан: мастер-созловчи, икки нафар шофёр-чилангар, тракторчи, электр пайвандчи ва ёнилғи қуувчидан иборат бўлади. Звенога кўчма устахона, техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи қуйиш, пайвандлаш агрегати ҳамда шпинделларни ювиш қурилмаси бириктирилади.

Звено раҳбари (одатда, мастер-созловчи) хизмат доирасидаги кластер, "Агросервис МТП", нефт омбори ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари билан доимий алоқада бўлиб туриши керак.

Маданий-маиший хизмат звеноси. Отрядда битта шундай звенони ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу звено вазифасига иссиқ овқат, чой тайёрлаш ва уларни далага етказиб бериш, ишдан ташқари вақтда машина терими қатнашчиларининг дам олишини ташкил этиш; янги газета, журнал, китоблар олиб келиш, бадий ҳаваскорлик жамоаларини далада чиқишларини уюштириш; йиғиш-ташиш отрядининг ҳамма аъзоларига теримнинг бориши ҳақида ахборот бериб туриш каби тадбирлар киради. Звено таркибида, шунингдек, отряд аъзоларининг соғлигини назорат қилиш, зарур бўлиб қолганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган фельдшер ёки ҳамшира бўлади. Звенога тегишли моддий-техника воситалари бириктирилади.

Хулоса қилиб айтганда, пахта теримини йиғиш-ташиш отрядлари усулида ташкил этиш, пахта териш машиналарини икки сменада ишлатиш, уларнинг иш унумдорлигини ошириш, ҳосилнинг ерга тўкилишини камайтириш, машина ва механизмларга даланинг ўзида техник хизмат кўрсатиш орқали уларни доимо соз ҳолатда ушлаб туриш машина теримида юқори самарадорликка эришишни таъминлайди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., проф. (ҚХМИТИ),

Ражаббай ХУДАЙКУЛИЕВ,
т.ф.н., к.и.х. (ЎЗР ФА МИСМИ),

Акбаржон КОДИРАЛИЕВ,
(ҚХМИТИ),

СЕНТЯБРЬ — САРИШТА ҚИЛАДИГАН ОЙ

Боғ-тоқзорларда пишиб етилган мева-узумларни териш ва сақлаш ишларини олиб бориш

Республикамиз боғ ва тоқзорларида йилдан-йилга мева-узум маҳсулотлари ортиб бормоқда. Жорий йил июнь-август ойларида ҳавонинг ҳаддан ташқари юқори исиб кетиши боис боғлар ва тоқзорларда мева-узумлар 20-25 кун олдин пиша бошлади. Боғларда мевалар тез пишиши натижасида, биринчи навбатда, пишиб етилган меваларни кетма-кет териш олиб, савдо тармоқларига ва қайта ишлаш саноатига ҳамда имкон даражасида маҳсулотнинг бир қисмини экспортга йўналтиришга ҳаракат қилиш керак.



Меваларнинг кеч пишар навлари бу йил сентябрь ойи бошида пишиб етилмоқда, шу сабабли, кечпишар олма ва нок навларининг ҳосилини нес-нобуд қилмасдан териш олишга эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун теримчиларга мева-узум ҳосилини териш техникасини тушунтириб, улардаги меваларни сифатли қилиб териш талаб этилади.

Бу борада, энг аввал ерга тўкилган мевалар териш олинади, кейин дарахтдан ҳосил узилади. Узилган мева-узумлар товар ҳолатига келтирилади, яъни улар сараланади, катта-кичикка ажратилади ва яшикларга тахланади. Яшикларга жойланган мева-узум маҳсулотлари транспорт воситаларига ортиб сақлашга, қайта ишлашга, сотувга юборилади ёки экспорт қилинади.

Айрим данакли мевалилардан: шафтоли ва олхўри меваларининг пишиб етилганлари қуритишга, яъни салқин жойларга дарахтлар тагига қўйиб, очиқ ҳавода қуритилади.

Кейинги йилларда мева-узум маҳсулотларини янги усулда, яъни плёнка остида қуритиш усулининг афзаллиги маълум бўлди. Бунда академик Махмуд Мирзаев номидаги БУВАВИТИ томонидан мева-узумларни плёнка остида қуритиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, фермер ҳўжаликларига 0,5-0,8 тонна сифимдаги палаткалар тавсия этилади.

Буларга мисол: **ярим очиқ палатка.** Ушбу палатка қуйидаги катталиқда бўлади: эъни 4 м., баландлиги 2 м. 40 см., ён деворларининг баландлиги 1 м. палатканинг иккала ёни томонига патнисларни жойлаш учун этажеркалар + ердан 40 см. баландлиқда плёнка билан беркитилади. Қуритиш жараёнида пайдо бўлган буғларни чиқариб юбориш учун табиий ҳаво алмашиши таъминланади. Палатканинг ичида ҳарорат ташқарига нисбатан 2-3°C юқори бўлади.

Йиғма палатка. Бу бошқаларга нисбатан қуйидаги афзалликларга эга: усти полиэтилен плёнка билан ёпилади ва энгил йиғилади. Йиғма палатка эни ва узунлиги 4 м., энг баланд тепа қисми 2 м. 20 см.,

ён деворларининг баландлиги 1 м. 60 см. Палатканинг пастки қисми ердан 40 см. баландлиқда очиқ туради, қолган қисми плёнка билан тўлиқ ёпилади. Палатка ичидаги ҳарорат ташқаридагига нисбатан 3-6°C юқори бўлади. Эрталабки шудринг палатка ичига ўтмайди. Сифатли қуритилган маҳсулотни қишда савдо тармоқлари ҳамда бошқа мамлакатларга экспорт қилиш мумкин.

Қишки олма, нок ва беҳи навларининг меваларини асосий қисмини сақлашга, яъни омборхоналарга ҳамда совуттичли омборхоналарга жойлаб кеч куз ва қиш ойларида экспортга йўналтириш ҳамда аҳоли истеъмоли учун сотувга чиқаришга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Сентябрь ойидан бошлаб мевали дарахтларни қишлашга тайёрлаш зарур. Жорий йилнинг июнь-август ойларида ҳаво ҳароратининг қаттиқ исиб кетиши боис тупроқда нам анча камайган. Бунинг учун тупроқ қатлами қалин бўлган бўз ва бўз-ўтлоқ ерларга экилган боғларни сентябрь ойи бошида, тупроқ қатлами юпқа бўлган (таги шағалли ерларда) майдонларда сентябрь ойининг охиригача сўғориш зарур. Бунда дарахтлар қишга яхши тайёрланади ҳамда улар совуқдан азият чекмайди.

Резавор мевали ўсимликлар (қулупнай, қорағат, малина) бу ойда яхши парвариш қилиниб, бегона ўтлардан тозаланиб, тағлари чопилиб, иложи борича чиринди (гўнг) билан озиқлантирилиб сўғорилади. Шунда улар келаси йили ҳосили учун етарли миқдорда мева куртақларини ҳосил қилади.

Ушбу ойда пишган кечки мева-узумнинг бир қисми сақлашга қўйилади. Мева-узум маҳсулотлари ертўлалар, омборлар, оддий ўралар ёки типовой омборхоналарда ҳамда совуттичли омборхоналарда сақланади.

Сақлаш учун терилган мевалар етилиш даражаси бўйича навларга ажратилади ва уларни ўлчамлари бўйича саралаб, яшикларга жойланади, 7-8 яшикни устмас-уст омборни шипигача 50-60 см. масофа қолдириб тахланади. Яшикларни айрим қаторлари ўртасида ҳаво юриши учун 10

см. тирқиш ва юриш учун 60-80 см.ли йўлак қолдирилади.

Олмани омборларда идишсиз сақлаш учун деворлар бўйлаб турли кенглиқда, баландлиги 10-15 см.ли ёндорли сўқчалар ўрнатилади.

Тахтадан ёки фанерадан ишланган баландлик параллел жойлашган сўқчалар ўртасида 70-80 см.дан кам бўлмаслиги керак.

Мева-узумларни сақлаш вақтида текшириб туриш учун сўқчалар пирамида шаклида ўйиб ёки юпқа қават қилиб ёйиб қўйилади.

Олма ва нокни 5-6 ойгача сақлашнинг энг яхши шарт-шароити ҳаво ҳарорати 0-1°C ва нисбий намлик 85-95% бўлиши лозим.

Албатта, оддий ертўлаларда бундай шароитга эришиш қийин, шунинг учун юқоридаги шароитга яқинлашишга ҳаракат қилиш керак, яъни ҳавони шамоллатиб, сув сепилиб, олтингугурт билан дудлаш ва мева-узумларни сифатини кузатиб бориш талаб этилади.

Узум сақлашда эҳтиёткорлик билан узилган узум бошларини сояга ёйиб, 1-2 кун мобайнида шамоллатиб сўлтилади. Сўнгра узум бошларини иккитадан бойлаб осиб сақласа бўлади. Ёки узун новдалар билан кесилган узум бошлари сувли идишга новдасини ботириб қўйиб сақласа, натижаси яхши, яъни узум узоқроқ сақланади.

Айрим жойларда узум бошлари қамишдан тўкилган бордонларда сақланади. Сақланаётган маҳсулот бир ойда икки мартаба кўздан кечирилади ва омборхона олтингугурт билан дудланади.

Маълумки, узумлар узиб олинган, кетидан тоқзорларда кетма-кет тоқларни кесиш ва шакл бериш ишлари бошлаб юборилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА, қ.-х.ф.ф.д.,
Ахмаджон ҚОСИМОВ, қ.-х.ф.ф.д.,
Нодир ДЖАЛИЛОВ,
Жохонгир ГАФУРОВ,
кичик илмий ходимлар,
Академик М.Мирзаев номидаги
БУВАВИТИ.

ИССИҚХОНАЛАРДА ҚИШКИ САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ

Сабзавот етиштиришда иссиқхоналар самарадорлигини ошириш, уларда экиладиган навларни кўпайтириш, янги навлар ва қулай бўлган парваришlash усулларини қўллашга боғлиқ.

Кейинги йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида иссиқхоналарда экиш учун помидор ва бодрингнинг бир нечта янги навлари яратилиб, уларнинг уруғларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Помидор парваришlash. Иссиқхоналарда экиладиган барча помидор навлари 2 га бўлинади:

- индетерминант навлар ёки бўйи чекланмаган, палаги доимий равишда, ўсувчи, гулшодаси ҳар 3 та баргдан кейин жойлашган навлар;

- детерминант навлар ёки палагининг ўсиши гулшода пайдо бўлиши билан тугалланувчи, гулшодаси ҳар 1-2 та баргдан кейин пайдо бўлувчи навлардир.



Юқорида таъкидланган иккала туркумга мансуб навлар иссиқхоналарда кенг қўлланилади. Лекин помидорнинг индетерминант навлари асосан ойнаванд иссиқхоналарда қиш-баҳор ҳамда оралик экиш даврларида, детерминант навлар эса тезпишар ва ҳосили бир хил пишиб етиладиган бўлгани учун уларни кузги-қишки, қишки-баҳорги ва баҳорги экиш муддатларида плёнкали иссиқхоналарга экилади.

Ҳозир иссиқ хонларда помидор кўчатларни экиб бўлинди.

Помидор кўчатлари экиб бўлингандан сўнг кўчатлар суғорилади, 4-5 кундан сўнг яна суғорилади.

15-20 кундан кейин эса кўчатлар илга тортилади ва ўсимлик атрофи чопиқ қилинади, минерал ўғитлар солиниб, суғориш ишлари олиб борилади. Кейинчалик помидор ўсимлигига шакл берилади асосий поя қолдирилиб, ён бачкилари олиб турилади.

Иссиқхоналарда помидор етиштиришда ўсимликка шакл бериш мажбурий тадбир ҳисобланади. Помидор ўсимлигини ўсишини чеклаш 7-8 шо-дада бажарилади. Биринчи шингилдан мевалари териб олингандан кейин пастки барглар олиб ташланади. Бу ўсимлик орасида ҳаво алмашинувни ва ёруғлик тушишини яхшилади. Мевалар туғишини яхшилаш учун гул шингилларига ўстирувчи модда билан ишлов берилади.

Куз ойларида ёруғликнинг секин-аста пасайиб бориши туфайли, иссиқхоналардаги ҳаво ҳарорати ҳам шунга қараб ушлаб турилиши лозим. Ноябрь-декабр ойларида кундузи ҳаво очиқ бўлганида – 20-23°C, булутли кунларда 18-20°C ва кечкурун 15-17°C, тупроқ ҳарорати эса 17-18°C бўлиши лозим.

Бодринг етиштириш. Бодринг кўчатлари ҳам қарийб экиб бўлинди.

Бодрингни парваришlashда ҳароратнинг энг қулай меъёрида сақланишига алоҳида эътибор берилиши лозим, яъни қуёшли кунларда 25-28°C, ҳаво булут кунлари 20-22°C, кечаси 18-20°C бўлиши керак.

Ҳароратни 18°C дан пасайиб кетишига йўл қўйиш керак эмас.

Кўчатлар асосий майдонга экилгандан кейин, ўсимликлар бир ҳафта давомида сўриларга боғлаб чиқилади ва ҳар ҳафта оралатиб уларни осилиб турган каноп ип атрофига ўраб чиқилади.

Ҳосилдорликни ошиб бориши ва унинг юқори бўлишини таъмин этувчи энг муҳим агротехник тадбирлардан бири бу ўсимликка шакл беришдир. Бодринг ўсимлигидан эртаги ва мўл ҳосил йиғиб олиш мақсадида қуйидагича шакл берилади. Энг пастки ён новдалардан 2 та барг ва 2 та мевачаси, ўрта қисмида 2-3 дона мева ва шунча барг қолдириб чилпинади. Шакл бериш билан бирга бодринг мўйловчаларини ҳам олиб



ташлаш керак.

Ўсимликлардан қийшиқ меваларини ўз вақтида олиб ташлаш жуда муҳимдир.

Бодрингнинг партенокарпик дурагайлари озикланишга жуда талабчан бўлиб, у нафақат илдизи орқали, балки поя ва барглари орқали ҳам озиқа берилишини талаб қилади.

Илдиздан ташқари озиклантириш айниқса ёруғлик кам бўлиб, тупроқ ва ҳаво ҳароратлари меъеридан паст бўлган даврларда амалга оширилиши самарали таъсир этади, чунки бундай ташқи шароитнинг пастлиги илдиз тизимининг фаолияти учун ноқулай ҳисобланади.

Озиклантириш учун озиқали аралашма тайёрлашда 10 литр сувга макроўғитлардан 10-12 г суперфосфат, 7-8 г аммоний сульфати, 5-7 г аммиакли селитра ва бор, марганец, мис, цинк, молибден, кобальт каби микро ўғитлар ҳам аралаштирилади. Барглари орқали озиклантиришдан олдин турли микроэлементлар йиғиндиси ёрдамида ҳар бирдан қуйидаги миқдорда кўшиб ишчи аралашма олинади: 1 л аралашмага 2.86 г борат кислотаси, 1,8 г марганец сульфати, 0,08 г мис купороси, 0,1 г аммоний молибдени, кейин эса ҳар 10 литр ишчи аралашмага 10 мл ушбу аралашмадан кўшилади.

1000 м² майдондаги иссиқхона ўсимликларига ишлов бериш учун одатда 250-300 литр макро ва микроўғитлар аралашмасидан тайёрланган ишчи аралашма сарфланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барглари орқали озиклантириш тадбири фақат кечкурун соат 17 дан кейин бажарилиши керак.

Иссиқхона тупроғига ишлов бериш ва катта миқдордаги минерал ўғитларни солиш, тупроқнинг сув, физик ва кимёвий хусусиятларини бироз ёмонлаши-

шига, баъзан эса унинг шўрланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ўсув даври давомида ҳар ойда бир маротаба тупроқ таркибининг агрокимёвий ҳолатини текшириб бориш, парваришlashнинг бажарилиши шарт бўлган тадбир ҳисобланади.

Ўсимликларни суғориш учун ҳам сифати тоза, яъни таркибидаги туз миқдори ҳар бир литр ҳисобига 1-2 граммдан кўп бўлмаган сувдан фойдаланиш лозим бўлади.

Ҳосилни мевалари қизиб кетмасдан эрталаб терган маъқул, чунки куннинг иккинчи ярмида терилган мевалар кўп сақланмайди, тез айниб қолади.

Шўрланган иссиқхона ерларида сабзавот етиштириш технологияси. Ўзбекистонда ҳимояланган ер сабзавотчилигининг энг асосий муаммоларидан бири шуки, кўпчилик иссиқхона тупроқлари шўрланишга мойил ёки шўрланган ерларга (Бухоро, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон) қурилган. Фарғона ва Наманган вилоятларидаги бир қанча иссиқхоналар ҳам шўрланган ерларда жойлашган.

Умуман олганда, сабзавот экинларининг шўрга чидамлилиги нисбатан паст бўлади.

Агар иссиқхона қурилиши шўрланган ерларда олиб боришни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда зарурий бўлса, (масалан арзон иссиқлик манъбаси ва бошқалар) у ҳолда бу иссиқхоналарда сабзавотларни кичик ҳажмли грунтларда етиштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу

усулнинг устунлиги шундаки турли хил ускуналар, сув (50%), минерал ўғитлар (40%) сарфи, ерга ишлов бериш – ерни ҳайдаш, минерал ва органик ўғитлар солиш каби жараёнларга сарфланадиган харажатлар камаяди.

Умуман олганда меҳнат сарфи 30-40% камайиб, сабзавотлардан олинадиган ҳосил 20-25%га кўпаяди.

Кичик ҳажмли майдончаларда сабзавотлар етиштирилганида субстрат, ҳаво, озиқали эритма, суғориладиган сув ҳарорати доимий назоратда бўлиши керак.

Маълумки кузги-қишки мавсумда ҳаво ҳарорати ва асосан ёруғлик интенсивлиги секин-аста пасайиб боради. Шунинг учун микроклим параметрлари август ойидан декабрга ўтгани сари 2-4°C пасайиб бориши зарур.

Сабзавот экинларининг нормал ўсиб, ривожланиши уларнинг юқори ҳосилдорлигини ўсимликларни сув ва озуқа элементлари билан қанчалик таъминланганлигини белгилайди. Кичик ҳажмли майдончаларда сув ва озуқа элементлари ўсимлик вегетация даврининг охиригача ҳар куни бир текис етказиб турилиши керак.

Озуқали эритма тайёрлаш учун яхшиси сувда яхши эрийдиган ўғитлардан фойдаланилган маъқул (масалан

кристаллин, растворин ва бошқалар).

Ишчи озуқали эритма концентранган макро ва микро элементлар эритмаларини сув билан тўлдирилган аралаштирувчи-идишга солиш орқали тайёрланади. Помидор учун бериладиган эритма концентрацияси вегетация бошида 2,6 г/л ва ҳосил пишиб етилганида 3 г/л бўлиши керак. Ишчи озуқали эритманинг pH кўрсаткичи эса 5,5-6,3 бўлиши лозим.

Бодринг учун ишчи озуқали эритма концентрацияси вегетация бошида 1,6 г/л, кейинчалик бу кўрсаткич кўтариб борилади ва мева тугиш даврида 2,6 г/л, pH кўрсаткичи эса – 6,2-6,8 да ушлаб турилади.

Вегетация даврида помидор ва бодринг экинлари озиқланиши учун 150-200 л/м² ҳажмида озуқали эритмалар ва 550-750 л суғориладиган сув сарфланади.

Хуллас, деҳқон омилкорлиги иссиқхона самарадорлигини оширади. Мазкур тавсияларга амал қилган деҳқон ҳосили баракали бўлади.

**Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,
Екатерина ЛЯН, қ.х.ф.н.,
Сабзавот, полив экинлари ва
картошқачилик ИТИ.**

Она замин билан тиллашиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштираётган фермерларни, уларга елкадош бўлаётган илм аҳлини Мустақиллик байрамининг 30 йиллиги билан самимий қутлаймиз.

Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



**“Бешариқлик пахтакорлар”
кооперацияси таркибидаги
фермерлар жамоалари**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ



Жорий йилнинг 30 июль куни мамлакатимизда янги сана – Халқлар дўстлиги куни нишонланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шу байрам муносабати билан бир гуруҳ юрдошларимизни Ватанимизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдирлади. Мукофотланганлар орасида лавҳамиз қахрамони – Мирзачўл туманидаги “Расим Ирода” МЧЖ раиси Гулсина Пашаева ҳам бор эди.

ЭРОНИ ҚИЗИ

Гулсина опани мирзачўлликлар, айниқса, туман қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари жуда ҳурмат қилишади. Ушбу эътибор ва эъзознинг эса, ўзига яраша сабаби бор. Опа томонидан ташкил қилинган ўсимликларни зараркунанда ҳашаротлар, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни зиммасига олган кичик корхонада етиштирилган биологик воситалар туфайли туманнинг юзга яқин фермерлари, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари экинлардан мўл ҳосил олишга муваффақ бўлишмоқда.

Бундан ташқари “Расим Ирода” биологикал лабораторияси деб ном олган ушбу кичик жамоада шу ҳудуднинг ўнлаб ёшлари, асосан хотин-қизлар иш билан таъминланган.

– Бундан 50 йил аввал Қозоғистоннинг Махтаарал туманидан Мирзачўлга кўчиб келганмиз, – дейди Г.Пашаева. – Миллатим эрони бўлса-да, ўзимни ўзбекистонлик, шу жаннатмакон юрт фарзанди, деб ҳисоблайман, Ўзбек, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, тожик, рус, арман, корейс ва бошқа қатор миллат вакиллари билан аҳил ва иноқ яшаб келяпмиз. Тўю маъракаларимиз бир, қувонч-ташвишларимиз ҳамоҳанг, бир ариқдан сув ичиб, бир мақсадни кўзлаб яшаймиз.

Гулсина Пашаева Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳри чинакам байналмилал ҳудуд бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлади. 2018 йилда ушбу шаҳарда “Обод марказ” дастури доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, кейинги 30-40 йил ичида қарийб қаровсиз ҳолга тушган шаҳарнинг қисқа муддат чинданда кўркам ва обод манзилга айлангани – ана шу халқлар дўстлигининг ёрқин ифодаси бўлганини эътироф этди.

– Бу ишларнинг ҳаммаси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳнамолигида амалга ошаётир, – дейди Гулсина опа. – Ўтган икки йил ичида шахримизга Қозоғистон, Озарбайжон, Россия ва бошқа мамлакатлардан кўплаб меҳмонлар келиб кетишди. Улар бу ерда амалга ошган бунёдкорлик ишлари кўлаמידан ҳайратга тушишди. Ўзи мана шу юртда таваллуд топган, ҳозир эса, Россия Давлат думаси кўмитасининг раиси сифатида фаолият юритаётган Василий Шаманов “Гагариндаги бунёдкорлик ишларига, унда ўнлаб миллат вакиллари фаол иштирок этганига тасаннолар айтмасдан илож йўқ!” деганини яхши эслайман.

Г.Пашаева 2016 йилда “Дўстлик” орденига сазовор бўлган эди. Бу йил эса, “Меҳнат шўхрати” орденига муносиб кўрилди. Ўзбекистон деган юртда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари бир ота-она фарзандларидек тенглигидан далолат эмасми бу?

Салкам 50 йилдан буён Мирзачўлда яшаб келаётган, бу вақт ичида кимгадир опа, кимгадир сингилга айланган, тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган опа, “Мўътабар аёл”, “Меҳр-саховат” кўкрак нишонлари совриндори.

– Меҳнати қадрланадиган юртда, дўстлик учун миллат танламайдиган одамлар қуршовида яшаётганимдан бахтиёрман, – дейди қахрамони-миз. – Ушбу Давлат мукофотлари биргина менга берилган эмас. Улар кўп миллатли Мирзачўл халқига, бир тану-бир жон бўлиб яшаётган, меҳнат қилаётган, қон-қардош бўлиб кетган ҳамюртларимизга берилган, деб уйлайман.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.



“Жиззахсувқурилишинвест” Давлат муассасаси жамоаси

Бунёдкор халқимизни асрий орзу ниятларимиз ушалган кун – 1 сентябрь – Мустақиллик айёми билан самимий муборакбод этади. Она юртимиз янада чирой очиб, хонадонларимизда тинчлик-тотувлик, фаровонлик ва файзу барака доимо барқарор бўлишини тилаймиз.

Истиқлол қуёшли диёримиз узра мангу нур сочаверсин!

МЕН ИРРИГАТОРМАН

Мироблик асрлар давомида халқимиз орасида эъзозланиб келган соҳалардан. Қадим замонда ҳам халқнинг орасида обрў ва эътиборга лойиқ саналган инсонларгина бу касб эгасига айланишган. Хоразм хонлигида Мунис Хоразмий ва Огаҳий ҳам сарой аёни ва шоири бўлиши билан бирга бош мироб лавозимида ҳам фаолият юритишган. Уларни қишнинг совуғию ёзнинг жазирамасида халқ билан бирга сув тақсимоли, канал ва ариқлар барпо этишда фаол иштироклари тарихдан маълум. Бу касб эгалари ўз сир-асрорларини авлоддан-авлодга мерос қилиб ўтказиб келаётганликлари ҳам сир эмас.



Вилоятимизнинг қайси туманида сувдан фойдаланиш мавзусида семинар ўтказилса, таклиф қилишади. Бориб, ўз тажрибаларим билан ўртоқлашаман. Ёзнинг жазирамасида вилоятимизда сув танқислиги юзага келади. Аҳоли ва ирригаторлар ўртасида зиддият келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида аҳоли билан учрашиб, ажратилган сув

микдори юзасидан тушинтириш ишларини олиб борамиз. Натижада халқимиз ҳам тушиниб мироблар билан баҳамжиҳатликда ишлашади. Ҳосил яхши бўлмади қолса, айрим фермерлар “сув кам берди”, деб нолишади. Шу вақтда кунлик диагностика дафтариимиз қайдларини кўрсатиб, ўзи ва ишчиларининг ажратилган сувдан унумли фойдаланмаганликларини исботлаб берганимиздан сўнг фермер бундай хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Мана орадан йиллар ўтди. Аёлим Саодатхон Назарова билан тўрт фарзандни вояга етказиб, олий малумотли, уйли, жойли қилдик, тўйлар бердик. Бу ишларнинг бари сабр билан бўлди. Яратган берган ризққа шуқр қилганимиз сабаб бўлди. Бизнинг касбимизда иш соати деган гап йўқ. Иссиқми, совуқми, кечасими, кундузимми, сувни тақсимлаш иншоотида турилади, белгиланган сувни керакли манзилга йўқотишларсиз етказиб берилади. Бошқа гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Айрим сабрсиз ёш кадрлар келишяпти, озгина фурсат ўтгач, бошқа иш излаб кетиб қолишяпти. Сабр қилганларини ёнимизга олиб, ўз билганларимизни ўргатяпмиз. Ҳозирги кунда 50-60 дан зиёд ёш шогирдларим билан бирга ишлашяпман. Нозимжон Жалилов, Алихон Усмонов каби ёшлар аста-секин ўз касбининг устасига айланиб боришмоқда.

Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Фазлиддин ака каби ўз касбига содиқ инсонлар бор экан, эл-юртда тўкинлик ва фаровонлик янада ортиб бораверади.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Сувдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Фазлиддин Назаров (ўртада) шогирдлари Маҳмуджон Игамбердиев ва Алихон Усмонов билан келгуси иш режалари ҳақида суҳбатлашмоқда.

Биз Хўқанди латиф шаҳрида жойлашган Сўх – Оқтепа ирригация тизимида бўлиб бош гидрометр лавозимида фаолият юритиб келаётган Фазлиддин Назаров билан суҳбатда бўлдик.

– Ота-бобларим мироб ўтишган, – деб гап бошлади Фазлиддин ака. – Отам Зайнобиддин Назаров ҳам халқимизга таниқли ирригаторлардан эди. Болалигим отам билан бирга Катта Фарғона канали ва Сўх дарёларида жойлашган сув тақсимлаш участкаларида ўтган. Тўғриси айтсам, ўша пайтларда бу иш мен учун жуда ҳам зерикарли туюлган. Эътироз билдирсам, раҳматли отам: “Ўғлим, муваффақиятга аста-секин эришилади”, дердилар. Мактабни тамомлаб, отамнинг ёнларига кирдим, 1992 йил Тошкент Ирригация институтини тамомлаб, Тўқсонқовун сув тақсимлаш бўлимида гидрометр лавозимида иш бошладим. Ўша йиллари мустақиллимизнинг илк йиллари эди. Менинг арзимас фаоиятимни инobatта олиб давлатимиз томонидан тақдирландим. Биласизми, мана шу тақдирлаш маросими ҳаётимда жуда катта роль ўйнади. 2009 йил Сўх-Оқтепа ирригация тизимида бош гидрометри, ҳозирда Сувдан фойдаланиш бўлими бошлиғи лавозимида фаолиятимни давом эттиряпман.

Ҳар бир касбнинг ўз машаққати бор. Биргина соҳанинг етук кадри бўлиб етишиши учун йиллар давомида изланиш, интилиш, сабр керак бўлади.

Тўғри, аввало, ҳар бир инсон ўз касбини севиши, унга садоқатли бўлиши керак. Ўз касби юзасидан рўй бераётган янгилликлардан ҳабардор бўлиб бориши лозим. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон – Швейцария ҳамкорлигидаги “Фарғона, Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш” лойиҳасида тренер бўлдим ва лойиҳа якунида “Энг яхши тренер” номинациясида ғолиб деб топилдим. Данғара Қишлоқ хўжалик коллежи раҳбариятини илтимоси билан коллеж ўқувчиларига сувдан фойдаланиш бўйича дарс ҳам бериб бораман.

ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ — КЕЛГУСИ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, соҳада самарадорлик ва унумдорликни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тармоқнинг муҳим жиҳатларидан бири, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экин майдонларининг унумдорлигини оширишда, ҳосилдорликни кўпайтиришда муҳим омил саналади. Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Вилоятда жорий йилда Давлат дастури асосида, “Самарқандсувқурилишинвест” Давлат муассасаси буюртмачилигида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича жами 11 та лойиҳа асосида объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

– Вилоятимизда 2021 йилда ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича жами 11 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган, шундан 8 та лойиҳа йилдан-йилга ўтувчи ва 3 та лойиҳа янгидан бошланувчи ҳисобланади. Ҳозирда мазкур объектларимизда ишлар қизғин. Шулардан йилдан-йилга ўтувчи объектларимиз; Булунғур туманидаги “Булунғур” сув омборини қуриш объекти, Иштихон туманидаги “Янгикент” каналини реконструкция қилиш объекти, Пайариқ туманидаги “Эрназарқўрғон” ирригация тармоғини реконструкция қилиш объекти, Булунғур туманидаги “Бот-бот” каналини реконструкция қилиш объекти ва яна шу туманидаги “Ўнг-қирғоқ” каналини реконструкция қилиш объекти, шунингдек, Ургут туманидаги “Янги Дарғом” каналини реконструкция қилиш объекти, Самарқанд туманидаги «Охалик сойда» ГТИни реконструкция қилиш объекти ва Самарқанд вилояти Қўшраб-бот туманидаги “Оқчобсой” сув омбори объектларида ишлар қизғин. Шу билан бирга, янгидан бошланувчи лойиҳалар асосида Самарқанд туманидаги “Илон-



сой” сойининг бир қисмини реконструкция қилиш объекти, Самарқанд шаҳри ва унга туташ бўлган ҳудудлардаги каналлар ва коллекторлар тармоқларининг автомобил йўллари билан кесишган қисmlарини реконструкция қилиш объектида ва “Самарқанд” халқаро аэропортининг қайта реконструкция қилиниши ҳамда ҳудудининг кенгайтирилишини инobatга олиб, “Фароч” каналининг 1,3 км. ва “Тошкичик” коллекторининг 3,6 км. қисмини реконструкция қилиш объектларида ҳам ишлар олиб борилмоқда, – дейди “Самарқандсувқурилишинвест” давлат муассасаси бош муҳандиси Исмоил Абдураззоқов.

Шунингдек, вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ҳудудда жорий йилда ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан тасдиқланган дастурлари доирасидаги 12 лойиҳа асосида 703,4 км. коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларининг бажарилиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан Булунғур туманидаги «Чашма» коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш объекти бўлиб, у ерда бош пудратчи “Сам Джарабек Строй Сервис” МЧЖ томонидан жами қуввати 43 км. масофадаги коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, Пайариқ туманидаги «Тўрткўл» коллекторини тизимли таъмирлаш-тиклаш объектида бош пудратчи “Одилбек-Жонибек” хусусий корхонаси томонидан

жами қуввати 60,6 км. коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур объектларни топшириш муддати 2021 йил 30 октябрга белгиланган бўлсада, пудратчи корхоналар аъзолари қурилиш ишларини муддатидан олдин якунлаш ниятида.

Албатта, юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши натижасида лойиҳалар амалга ошириладиган ҳудудларда ероти сизот сувлари сатҳи меъёр даражага туширилиб, мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига ва барқарорлигининг таъминланишига эришилади. Натижада ушбу ҳудудларда ҳосилдорлик пахта майдонларида ўртача 2-2,5 центнерга, ғаллада 3-5 центнерга ошишига эришилиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш ишлари доимо соҳа ходимлари диққат-эътиборида. Ҳозирда ҳаётга татбиқ қилинаётган янгидан-янги дастурлар, тизимли ишлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифаси – суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашнинг бош омилдир. Зеро, суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши ҳосилдорликни ошириши баробарида, ҳудуд иқтисоди юксалишига ҳам хизмат қилиши аниқ.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз муҳбиримиз.

Суратда: “Самарқандсувқурилишинвест” Давлат муассасаси ходимлари.

ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЕНЕТИК ЭЛЕКТРОН БАЗАСИ ЯРАТИЛАДИ



Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ДНКсининг такибидаги хўжаликка фойдали маҳсулдорлик кўрсаткичларини бошқарувчи муҳим генларнинг ўзгаришини ўрганиш, уларнинг юқори маҳсулдорлик детерминантини шаклланишини аниқлаш селекция ишларининг самарадорлигини оширишнинг асосий муаммосидир. Шунинг учун

ҳайвонларни танлаш ва саралашда уларнинг генетик тизимини ўрганиш, баҳолаш ва мақсадли жуфтлаш режасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Республикаимизда яратилган ягона Бушуев зотли қорамоллар генофондини сақлаб қолиш ва кўпайтириш бугунги кундаги долзарб вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда ЧПИ-ТИ олимлари томонидан “Ноёб зотли ҳайвонларни генетик жиҳатдан паспортлаштириш учун молекуляр панеллар ишлаб чиқиш” мавзуси бўйича илмий-амалий лойиҳа ишлаб чиқилди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида куйидаги натижаларга эришилади:

Бушуев зотли қорамоллар генофондини сақлаш мақсадида уларнинг ДНК маркерлари аниқланади ва қимматли хўжалик хусусиятига эга генлар учун полиморф баҳоланади.

Бушуев зотли қорамолларнинг генетик паспорти ишлаб чиқилади. Генетик паспорт селекция-наслчилик ишларини прогнозлаш, соф зотли урчитилгани генетик назорат қилиш

орқали зот генофондини сақлаб қолиш ва маҳсулдорлигини кўпайтириш имконини беради.

Ноёб зотли ҳайвонларнинг биоматериаллари банки яратилади. ДНК маркерлари аниқланади ва қимматли хўжалик ва насл кўрсаткичларига эга генлар учун полиморфизм баҳоланади. Кейинчалик худди шундай халқаро генетик маълумотлар базасига интеграция қилинадиган маълумотлар банки яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳайвонларнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини эрта прогнозлашда генетиканинг замонавий ютуқларини - молекуляр панеллар ишлаб чиқиш ва генетик маркерларни қўллаш уларни генетик паспортлаштириш имкониятини беради. Генетик паспорт— бу ҳайвон ДНКсининг электрон базаси бўлиб, унда ҳайвоннинг ноёб генетик ва иммунологик хусусиятлари маҳсулдорлиги, пуштдорлиги ва турли касалликларга қарши туриш қобилияти (иммунитети) акс эттирилган бўлади. У ҳайвонларнинг хўжаликка фойдали маҳсулдорлик кўрсаткичларини эрта прогнозлаш имкониятини яратади. Бу эса селекционер олимлар ва мутахассисларнинг ишини енгиллаштиради.

Агар биз бу истиқболли лойиҳани тез амалга оширсак, МДХ давлатлари орасида учинчи бўлиб ҳайвонлар генетик паспортини яратишдек муҳим ишни амалга оширган давлатга айланамиз.

Хусан ҒИЁСОВ, қ.х.ф.н.,

Чорвачилик ва паррандачилик

илмий-тадқиқот интитутини,

“Қорамоллар селекцияси” бўлими мудири.

**Азиз ватандошлар, халқимиз
дастурхони тўкинлигига хизмат
қилаётган чорвадор ва ветеринарлар
истиқлол айёми барчамизга муборак
бўлсин. Озод Ўзбекистонимиз ҳар бир
хонадонидан қут-барака, файз
аримасин.**

**Ўзбекистон Ветеринария
ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат
қўмитаси жамоаси**



БОШ МЕЗОН — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Мамлакатимизда иқтисодий ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал Кодекси ва бошқа кодекс ҳамда қонунлар асосида амалга оширилади. Иқтисодий суднинг асосий вазифалари иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга кўмаклашишдан иборат. Иқтисодий судлар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилади.

Иқтисодий судлар томонидан тузилиш мажбурийлиги қонунда назарда тутилган шартномани тузишда юзага келган келишмовчиликлар, шартнома тарафлари томонидан кўриб чиқилиши судга ўтказилиши келишилган шартномани тузишда юзага келган низо, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ва битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар ҳам кўриб чиқилади.



Акмал РАҲИМОВ,
Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари, иқтисодий судлов ҳайъати раиси.

Биз куйида медиатив келишув хусусида тухталиб ўтаемиз. Медиатив келишув — медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишувдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисидаги” Қонуни мақсади медиация жараёнидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.



Улуғбек ҚУРБОНОВ,
Сирдарё туманлараро иқтисодий суди раиси.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек яқка меҳнат низолига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак. Унинг тартиб-таомили низо хусусида

тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 24 май кунги №13-сонли “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “ИПК 163-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига мувофиқ судья тарафларни келиштириш чораларини кўради. Судлар низоининг характеридан келиб чиққан ҳолда ишни келишув битими ёки медиатив келишув тузиш йўли билан тамомлашга кўмаклашишлари лозим. Низони келишув битими ёки медиатив келишув тузиш билан ҳал этиш имконияти ишни суд муҳокамасига тайёрлаш пайтида ҳам (ИПК 163-моддаси биринчи қисмининг 8-банди, 163-1-моддаси биринчи қисмининг 3-банди), суд муҳокамаси жараёнида ҳам (ИПКнинг 16-боби) аниқланиши лозим”, деб белгиланган.

Бир мисол, Сирдарё туманлараро иқтисодий судида Оқолтиндон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти манфаатида, жавобгар «Poly Tex Sirdaryo» масъулияти чекланган жамиятидан 5 118 305 132 сўм асосий қарз ва 102 367 163 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иқтисодий иш тарафларнинг медиатив келишувга асосан яқунланди.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 14.09.2020 йил 14 сентябрда бошқоқ дон харид қилиш тўғрисида шартнома имзоланган.

Унга кўра, даъвогар жавобгарга уруғлик бугдой маҳсулотлари етказиб бериш, жавобгар олдиндан маҳсулот учун 15 фоиз тўловларни тўлаш ва маҳсулотни қабул қилингандан кейин 60 кун ичида ҳаққини маҳсулот қийматининг 100 фоиз тўловини амалга ошириш мажбуриятини олган.

Даъво ариза ва илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, жавобгарга 1 605 980 кг уруғлик бугдой даъвогар томонидан етказилган бўлса-да, жавобгар ўз навбатида 5 118 305 132 сўмлик маҳсулотнинг ҳаққини тўламай, даъвогар олдида 5 188 305 132 сўмлик қарздорлик келиб чиққан. Даъвогар томонидан қарздорликни тўлаш бўйича юборилган талабномалар ижросиз қолдирилган.

Натижада палата даъвогар манфаатида судга мурожаат қилиб, жавобгардан 5 118 305 132 сўм асосий қарз ва 102 367 163 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида қатнашган жавобгар ва медиатор тарафлар ўртасида 2021 йил 23 февраль куни медиатив келишув тузилганлигини, шу сабабли даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни сўраб судга тарафлар ўртасида 2021 йил 23 февралдаги медиатив келишувни тақдим этишган.

Судья тарафлар вакилларининг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини текшириб, тарафлар ўртасида 2021 йил 23 февраль куни тузилган медиатив келишувни ўрганиб, мазкур даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим деб топган.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасида “Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо, ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади. Бунинг аҳамиятли томони, агар медиатив келишув тузилса, давлат божи тўловларидан озод этилади. Суд харажатлари тўланмайди.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан қайси шахснинг манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган бўлса, ўша шахс мазкур давлат органининг ёки бошқа органининг иштирокисиз медиатив келишув тузишга ҳақли.

Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажариллади.

Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Акмал РАҲИМОВ,
Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари, Иқтисодий судлов ҳайъати раиси.
Улуғбек ҚУРБОНОВ,
Сирдарё туманлараро иқтисодий суди раиси.

«Навобод насли парранда» : ТАРАҚҚИЁТГА ЯНГИЧА ҚАДАМ



Маълумки, кластер усули бир ҳудудда саноатни, қишлоқ хўжалигини муайян ривожлантириш учун бири-бирини тўлдирувчи субъектларнинг корпоратив ҳамкорлигидир. Унда хўжалик юритувчи субъектлар бир-бирининг маҳсулотидан хомашё сифатида фойдаланиб, ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўядилар. Шу орқали ҳудуд меҳнат бозорида мувозанат барқарорлашиб, аҳоли фаровонлиги ошади.

орқали 6 тонна майиз маҳсулоти олинмоқда. Аҳамиятли томони, кўп тармоқли фермер хўжалиги

Самарқанд туманидаги «Navobod Naslli Parranda» фермер хўжалиги кластер усулида узум етиштириш, узумни қуритиш, қадоқлаш ва экспорт қилиш ҳамда насли паррандачилик, парранда озукасини ишлаб чиқариш борасида катта салоҳиятга эга йирик субъектлардан. Бугунги кунда хўжаликнинг 99,7 гектар экин майдонида замонавий усулдаги узумзор барпо этилган бўлиб, унда хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда узумнинг экспортбоп оқ кишмиш нави етиштирилмоқда. Кластер хўжалигида тоқларга ишлов бериш, агротехник тадбирларнинг барчаси техника воситалари орқали амалга оширилиб, ток экишга ҳам янгича усулда ёндашилган. Бунда кўчат тул сони гектарига 1 минг 650 донани ташкил этиб, бу эскича усулдан 65 фоизга кўпроқ дегани. Узумчилик кластери хўжалиги томонидан ҳозирда ҳар гектар узумзордан 22 тонна узум олинди, уни қуритиш

мазкур лойиҳаларининг самарали фаолияти сабаб, ҳудудда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг кўлами ортиб бормоқда, аҳолига арзон маҳсулотлар етказиб берилиши баробарида, 210 нафар кишининг доимий иш билан бандлиги таъминланган.

Бугун «Навобод насли парранда» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Ҳайдар Ўроқовнинг ҳатти-ҳаракатларида, ҳудуднинг экспорт салоҳиятидан янада унумли фойдаланиб, ички ва ташқи бозор талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариб, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва ҳаёт тарзини янада яхшилашга ҳисса қўшишидек эзгу мақсадлар мужассам.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Хушхабар

Мазкур мақола чоп этилиш арафасида Ҳайдар Ўроқов Президентимиз Фармонида кўра «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Журналхонларимиз номидан Ҳ.Ўроқовни юксак мукофот билан муборакбод этамиз.



"Navobod Naslli Parranda" кўп тармоқли фермер хўжалиги аъзолари юртдошларимизни, энг улуғ ва энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан қутлайди.

Сўх-Оқтепа ирригация tizimi бошқармаси ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳлини
халқимизнинг асрий орзуси
ушалган кун –

1 сентябрь – Мустақиллик байрами
муносабати билан фарғоналик сув
хўжалиги тизими ходимлари
номидан қизгин муборакбод этади.
Янги Ўзбекистонни барпо этиш
йўлидаги барча эзгу ишларимиз
бароридан келиб, юртимиз доимо
тинч, осмонимиз мусаффо,
турмушимиз янада фаровон
бўлишини тилайди.



БАХТ КАЛИТИ – МЕҲНАТДА

Азиз ватандошим,
байрам муборак.
Энг улуғ, энг азиз
бўлган байрам
Мустақиллигимизнинг
30 йиллик тўйини
нишонламоқдамиз.
Бироқ бу муддат катта
тарих олдида қисқа давр
ҳисобланса-да, биз учун
муҳимдир.

Орта қолган йиллар сарҳисоб қилганда, Ўзбекистонимизнинг ҳар бир аҳли учун қанчалик қадрли эканлиги яққол намоён бўлди. Президентимиз раҳномолигида кўллаб тарихий ишлар амалга оширилди. Ижобий ўзгаришларни республикаимиз аграр тармоғида кўлга киритилаётган муваффақиятларда ҳам кўришимиз мумкин. Беш тамойил, беш босқич. Оҳанги жарангдор, масъулияти оғир. Қишлоқ хўжалигидаги барқарорлик, томорқа хўжалиklarини ривожлантириш, мулкчиликни кенгайтириш, аграр муносабатларни янгилаш босқичга олиб чиқиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни таъминлаш сари қўйилган дадил қадамлардир.

Кейинги йилларда фермерларимиз фақатгина хомашё етиштириш билан чекланиб қолмасдан, ўзлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш чораларини ҳам кўряптилар. Юртбошимизнинг одил сиёсати натижасида халқимиз бахт калитини кўлга киритмоқда.

Ўзи етиштираётган маҳсулотга эгалик қилиш, ўз мулкига соҳиблик туйғуси хурсандчиликдан порлаган кўзларда зоҳир бўлаётганлигини кўриш нақадар гаштли. Фермерларимиз – замонамизнинг мулкдорлари, илғорликда тенги йўқ замин эгалари.

Жаннатмакон юртимизнинг бошқа жойлари қатори фарғоналик деҳқонларга ҳам осон бўлгани йўқ. Сув танқислигига қарамай, фарғоналик миришкорлар — фермерлар режаларини ҳар соҳада ортиғи билан бажаришди. Боғлари мевага, далалари маҳсулотга, хирмонлари ғаллага тўлиб тошди. Аслида улар феълли кенг, сахий, саховатли, самимий одамлар. Қачон борсак, қаҳрамонларни топишда туман, ҳатто, вилоят раҳбари ҳам ёрдамларини аяшмайди.

Вилоят фермерлар кенгаши ва томорқа хўжаликлари уюшмаси мутасаддилари билан маслаҳатлашиб, Бешариқ туманига йўл олди.

— Туманимизнинг энг илғор фермерларини юртдошларимиз танисин, ўрнак олсин, дея Тошкентдан келибсиз-у, сиздан ёрдамимизни аямизми, опа, — дейди туман фермерлар кенгаши ходими Сардор Низомов.

Ушбу туманнинг “Қипчоқ” худудидаги “Қўриқ замини” фермер хўжалиги раҳбари Ҳалимжон Қўчқоров билан пахтазорларини айландик. Оппоқ бўлиб очилган лўппи пахталарга қараб кўнгил яйрайди.

— 45 центнердан ҳосил йиғиб-териб оласиз, менимча, — дедим фермерга қараб.

— Айтганингиз келсин, ниятим холис, Худо хоҳласа, ундан ҳам зиёдини кутяпмиз, — дейди Ҳошимжон.

Унинг ўткир нигоҳи, бийрон сўзларига қараб, ўз касбининг ҳақиқий устаси эканлигини англаш қийин эмас. 75 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олибди. 71 гектар пахта майдонидан, албатта, 45 центнер бўлиши аниқ. Хўжаликнинг 500 оила асарариси, 1,5 минг бош қўени, 40 бош моли ҳам бор экан.

Ушбу тумандаги “Бўтабой Жуманов” фермер хўжалиги раҳбари Маъмуржон Жумановни даласида иш устида учратдик. Салобатли, кенг феълли бу инсонни икки йил олдин ҳам ушбу туман илғорлари қаторида ёзгандим, бир пиёла чой устида гурунглашгандик.

— 42 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан хирмон кўтардик. Эндиги навбат 44,2 гектар пахтазорларимиздаги момик пахталарни нест-нобуд қилмай йиғиб олишда. 50 бош молни ҳам рацион асосида парваришляпмиз. — дейди фермер. — 3,5 гектардаги балиқхонамиздан олаётган даромадимиз ҳам чакки эмас...

Элимизнинг дастурхони тўкин, соғлиги мустаҳкам бўлишида сут, қатиқ, балиқ маҳсулотлари жуда зарур. Уларни кўпайтиришда ҳисса қўшаётган Маъмуржон акадай фидойиларга омад, соғлик, тинчлик тилаймиз. Бешариқликлар билан хайрлашиб, Гўзал Фарғонанинг ажойибу ғаройиб, марду-майдонларини излаб Фурқат тумани томон йўл олди. Ушбу туманнинг “Ҳамзалиев Бекзод чорваси” фермер хўжалиги раҳбари Бекзод Ҳамзалиевнинг айна кунлардаги фаолияти ҳақида ушбу туман фермерлар ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳисобчиси Иззатилла Насриддинов илиқ сўзларни айтиб, бизни таништирди:

— 2016 йили фермерчиликни бошлаган Бекзод, изланди, отаси Ортиғали акадан меҳнат сирларини ўрганди. Отасининг жисми-жони далада қотган. Уста деҳқон мақомини олган эди-да.

— 42 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олди, режадан ортиғини фермер аъзолари билан баҳам кўрдик, — дейди. Бекзод. — 28 гектардаги пахтазорларимиз ҳам оппоқ бўлиб очилиб қолган. Худо насиб этса, 45 центнердан хирмон олишни режалаб турибмиз.

224 бош зотдор мол Франциядан келтирилган экан. Моллар учун яратилган шароитга қараб лол қолдик. Моллар тоза, озода алоҳида парваришда. Ишчиларга берилаётган маош етарли бўлгани боис, меҳнат ҳам шунга яраша.

Ушбу туманнинг “Зайнобиддин-Зилолиддин” фермер хўжалиги раҳбари Жамолжон Болтабоевнинг ўз дунёси, ўз характери бор.

Уни бир қоп ёнғоқ дея мақтаган ҳамроҳим Иззатилла ака фарғонача ҳазил сўзлар билан файзли дастурхонга таклиф этди. Бир пиёла чой устида суҳбатлашдик.

Меҳнат кишини соғлом, қаққон қилиб қўяди. 60 га яқинлашдим, аммо 18 яшар йигитдай соғломман, — дейди фермер.

26 гектар ғалла майдонидан 78 центнердан ҳосил йиғиб олиб, шартнома режасини биринчилардан бўлиб бажарибди. 32 гектар майдондаги пахтазорлар оралаб, оппоқ лўппи бўлиб очилган момикларга қараб, ҳавас қилдик.

Худо насиб қилса, 45 центнердан, унданда зиёдрогини кўзлаб турибмиз, — дейди фермер.

Бу ишларнинг ўзи бўлмайди, тинимсиз меҳнат, тунни тонга улаб, сувлар оқимини кузатиш керак. 36 оила асалари, 40 бош мол, 50 бош қўй, бир гектар боғ ҳам фермерга қўшимча даромад келтирмоқда.

Риштон туманида тожик-ўзбек миллати аҳил-иноқ, дўсту-биродар бўлиб яшашди. Ушбу туманнинг “Соҳобод жавоҳири” фермер хўжалиги раҳбари Зайнитдин Зайнитдинов билан тожик, ўзбек тилида аралаш суҳбат кўрдик.

23 гектар майдондаги ғалладан 70 центнердан ҳосил йиғиб олди. Тенг ярми ўзимизга қолди. Фермер аъзолари билан баҳам кўрдик. — дейди у — 30 гектар пахта майдонимиз бор. Кўриб турибсиз, ҳосилнинг чўғи баланд. Худо насиб қилса, 42 центнердан хирмон кўтармоқчимиз.

30 бош қорамол, 80 оила асалариларни ҳам меҳр бериб парваришляётган фермернинг орзулари бисёр. Ўзи ва қишлоқдошлари учун 200 тонналик музхона кўрмоқчи. Сутни қайта ишловчи кичик цех очиш нияти ҳам бор.

Очиқ чеҳра, самимий, меҳнатқаш, фидойи фарғоналик фермерларга омадлар тилаб хайрлашдим.

“Агар инсон эзгуликка инти-
либ яшаса, унинг умри қувончи
ва гўзал кечади, гўзал ҳаёти
эса халқ назарида ҳам, Худо
назарида ҳам юксақдир” – деган
эди буюк мутафаккир Абу Наср
Фаробий.

Эзгулик ва яхшилиқни дилга жо этиб,
самимият сувидан баҳраманд, зилол
томчиларидан тўйиб, мусаффо ҳавоси-
дан беғубор қалбини тўлдириб, дилдош
эли бирла диллашиб, бир гапириб, ўн ку-
либ, халқим тўқ, юртим обод бўлсин, дея
меҳнат қилаётган Андижон вилоятининг
чин маънодаги фермерларига ҳавас
қиласиз. Миришкор замондошларимиз
билан юзма-юз бўлиб, ютуқларига та-
саннолар айтгингиз келади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев
ҳар гал Андижонга борганида қувониб
қайтади. “Меҳнат аҳли дилкаш, мард
халқ, озгина йўл кўрсатсанг, қойиллатиб
жавоб қайтаришади” дея айтганлари
ҳам бор ҳақиқат.



Суратда: (чапдан) туман қишлоқ хўжалиги бўли-
ми мутахассиси Зиёдулло Нуриддинов “Нурли замин
обод” фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Жалолов

— Ҳали август келмай пахтаси очил-
ган пахтаободлик замондошимнинг кўз-
ларида қувонч, қалбида ширин ҳаяжон.
Ушбу туманнинг Гулистон массивидаги
“Абдувоҳид даласи” фермер хўжалиги
раҳбари Абдувоҳид Қодиров меҳнат
фаолиятида ютуқлари орқали туман
аҳлининг, раҳбарларнинг эътиборига
тушиб, “қойил” сўзига мушарраф бў-
лаётганлардан.

47 гектар пахта майдонидаги пахта-
лар оппоқ бўлиб очилиб турибди.

— Худо насиб қилса, 45 центнердан
хирмон кўтарамиз.

— Ғалла майдонларининг ҳар гекта-
ридан қанча ҳосил олдингизлар?

— 75 центнердан. Шундан қарийб яр-
мини фермер хўжалиги аъзолари билан
баҳам кўрдик. Бир гектардаги боғимизга
экилган олма, ўрик, гилос, шафтоли
каби элимиз севиб истеъмол қиладиган
хуштаъм мевалардан олаётган даромад

ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ҳам ёмон эмас.

Балиқчи тумани заршунослари ҳам
белни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат
қилишмоқда.

— “Мамашоқир далалари” фермер
хўжалиги раҳбари Неъматжон Шокиров
ёш бўлишига қарамай, ўз касбининг ус-
таси, — дея менга фермерни таништир-
ди ушбу туман қишлоқ хўжалиги бўлими
мутахассиси Зиёдулло Нуриддинов.

Фермер 11 гектар ғалла майдонидан
70 центнердан ҳосил олибди.

— Энди пахтазорлардан 42 цент-
нердан ҳосил териб олишни ният қилиб
турибмиз, — дейди у.

— Мақсадингизга етинг, соғлиқ, омад
тилаймиз.

Ушбу туманнинг “Нурли замин обод”
фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Жа-
лолов ҳам аллақачон фермерчиликнинг
ҳадисини олиб, муваффақиятларга эри-
шаётган замондошларимиздан.

— 20 гектар ғалла майдонидан
75 центнердан ҳосил йиғиб олдик.
Шундан 40 центнери ўзимизга
қолди, — дейди у ғурурланиб. — 30
гектардаги пахта майдонимиздан
43 центнердан “оқ олтин” ларни йи-
ғиб олишни мўлжаллаб турибмиз.

Хўжаликнинг бир гектар ёнғоқзо-
ри, бир гектардаги тутзори ҳам бор.

Балиқчи тумани фидойилари
билан хайрлашиб, Марҳамат ту-
манига йўл олдик. Ушбу туманнинг
“Фозиев” фермер хўжалиги раҳбари
Озодбек Ғозиевнинг пахтазорлари-
да бўлдик. Оппоқ бўлиб

очилган пахталар кўзни қув-
натади.

— Ҳосилнинг чўғи ба-
ланд-ку, сирини нимада? —
сўрайман ундан.

— Ер билан тиллашамиз,
диллашамиз, агротехника
қоидаларига амал қилиб,
маҳаллий, минерал ўғит-
ларни оби-тобида берамиз,
қарабсизки, орзуланган ҳо-
силни йиғиб оламиз.

— Пахта майдонингиз
қанча?

— 16 гектар, ниятимиз ҳар гектари-
дан 42 центнердан хирмон кўтариш.

19 гектардаги ғалла майдонининг
ҳар гектаридан 75 центнердан ҳосил
йиғиб олган фермер ўзи етиштирган
бўғдойларни хўжалик аъзолари, кам
таъминланган маҳалладошлари билан
баҳам кўрганидан мамнун.

— Ахир, Аллоҳим биздан мол-дунё
сўрамайди, савоб ва яхшилиқлар ҳисо-
бини сўрайди, — дейди Озодбек.



Суратда: Марҳамат тумани
“Фозиев” фермер хўжалиги раҳбари
Озодбек Ғозиев

Ушбу тумандаги фидойи фермер-
ларидан “Меҳнат-роҳат” фермер хўжа-
лиги раҳбари Сарварбек Зокировнинг
уддабурон, серғайратлигини суҳбат
асносида билиб олдим. Ҳали 30 баҳор-
ни қаршиламаган фермернинг ишлари
мақтовга лойиқ.

10 гектар пахта майдонидаги ҳосилга
қараб “тасанно” дедик.

— Ҳар гектаридан 45 центнердан
пахта йиғиб олишни мўлжаллаб туриб-
миз, — дейди қаҳрамонимиз. — 16,6
гектар ғалла майдонидан 75 центнердан
хирмон кўтардик.



Суратда: Марҳамат
тумани “Меҳнат-роҳат”
фермер хўжалиги раҳбари
Сарварбек Зокиров

Сарварбек чигитни қайта ишлаб,
14 хил ёғ маҳсулотларини ҳам ишлаб
чиқараётган экан. Бир кунда 5 тонна ёғ
олаётган замондошимизнинг ниятлари
бисёр. Ёғ цехини кенгайтириб, 10 та
ишчи ўрни яратмоқчи.

Қўшсаҳифани ўз муҳбиримиз
Раъно ТОЖАЛИЕВА тайёрлади.

СОЙНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ЧОРВАДОР

Хоразм вилояти шаҳар ва туманларининг ҳар бири ўзига хос иқлимга, шарт-шароитга эга. Гоҳ курғоқчилик, гоҳ сув тақчиллиги, гоҳ табиий гармселлар бўлиб туриши, қиш ҳам, ёз ҳам қаттиқ келиши бор.

Атрофи қумликлардан иборат Қўшқўпир тумани 1936 йилнинг 17 апрелида ташкил этилган. Негадир ушбу туман 1962 йил 14 декабрда Хива туманига қўшиб юборилиб, 1966 йил 9 январда яна қайта ташкил қилинган.

Бугунги кунда туман қишлоқ хўжалиги пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик каби тармоқларга эга. Туяқуш боқиш, беданачилик ва бошқа янги тармоқлар ҳам бор.

Хоразм вилояти ҳудудий “Чорванасл” маркази Қўшқўпир тумани вакили Давлатназар Отажонов ҳамроҳлигида Хадра қишлоғи томон йўлга чиқдик. “Тилла сой” фермер хўжалиги раҳбари Ботир Жуманиёвнинг бир кунги иш фаолиятига назар ташладик.

Бўй-бастидан, кийинишдан фермер аканинг иштиёқи, тинчимаслиги, доимо чорваси ва даласи билан бўлиши шундоққина аён эди. Соддагина, сипогина, камтарингина чорвадор-деҳқон. Унинг иш куни – тонгда уйдан чиққанида бошланади. Сўнг чорва ва озуқа экинлари экиладиган далага йўл олади. Салқин шабодалар эсиб турганида эса бир пиёла чой устида ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашади. Унинг бугунги ва эртаги куни шукроналик билан йўғрилган.

Турмуш ўртоғи Олтиной Жобберганова ўзбек аёлининг ҳақиқий тимсоли. Иссиққина, катта-катта Хоразм нонларини ёпиб, икки нафар фарзанди, келинларига меҳр билан боқиб, тўрт нафар невараларини эркалаб, уй ва хўжалик ишлари билан банд бўлган меҳрибон она. Уғли Бунёд Жуманиёв ёш ҳофиз, санъат йўлини танлаган. У ҳам халқ хизматидан бўш пайтлари чорва ишларида отасига қарашади.

— Чорвадор фарзандиман. Отам Йўлдош Жуманиёв 35 йил ферма мудир бўлиб ишлади. Болалигим чорва орасида, озуқа экинлари экилган далалар бағрида ўтди, бугуним ҳам шундай, — дейди чорвадор Б.Жуманиёв.

— Нега хўжалик номи “Тилла сой”? Бу атрофда, айниқса, Хоразмда сой йўқ-ку!, — дейман ҳайрон бўлиб.

— Билмадим, бизда сув тақчиллиги бўлиб туради. Шунга Амударёмининг сувлари тўлқинланиб, жўшиб оқса, хўжалигимизга сув сойдан оққандай келиб турса, деб ният қилиб шу номни танлагандим, — дейди у қулиб.

Майли, нима бўлса ҳам, ях-

шиликка, эзгуликка бўлсин. Яхши ният экан. Сувга эҳтиёж эса йил сайин ошиб бормоқда.

Бахтли болалик, мактаб чоғлари ўтгач, у 15 йил отаси ёнида бузоқбоқар бўлиб ишлади. Йиллар ўтиб, қишлоқ хўжалигидаги ишхотлар натижасида

чорвадор оила ҳаётида ўзгаришлар содир бўлади.

2018 йилда “Тилла сой” фермер хўжалигини ташкил қилиб, кредит ҳисобига Германия давлатидан 16 бош насли симментал зотли қорамоллардан сотиб олди. Бугун қорамоллар сони 43 бошга етди. Арзон ва сифатли гўшт ва сут маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган хўжаликда қорамоллар ёпиқ шароитда боқилади. Қарови яхши, ишчи-хизматчилар билан доимо бирга бўладиган хўжалик раҳбари тартибни хуш кўради.



Суратларда: (чапдан) Хоразм вилоят ҳудудий “Чорванасл” маркази туман вакили Давлатназар Отажонов, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари Отабек Худойберганов ва фермер Ботир Жуманиёвлар озуқа экинлари экилган далада фикрлашмоқдалар.

Озуқа етиштириладиган 12 гектар ер майдонида маккажў-хори, беда, третиқале каби экинлар экилган. Урим-ийғим бўлаётган аралаш экин экилган дала четдаги ўт ўриб олинган жойга боғланган қорамолларни кўздан кечириб турган туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари Отабек Худойберганов суҳбатимизга қўшилди:

— Ҳар бир хўжалик раҳбари ўзининг қарамоғида бўлган жониворларга эътиборли бўлса, ишида унум бўлади. Ходимларимиз томонидан қорамолларни турли касалликларга қарши эмлаш ишларини ўтказганимизда Ботир Жуманиёв ёнимизда бўлиб, қилаётган ишимизни диққат билан кузатади. Хўжаликда қорамоллар ҳафтасига бир марта чўмилтирилади, сунъий қочирини ишлари ўз вақтида олиб борилади.

Тўғри, биз ҳикоя қилаётган бу жамоа 100-200 бош қорамол боқиладиган катта хўжалик эмас, бироқ оз бўлса ҳам, соз иш олиб бориладиган, ўз имкониятидан келиб чиқиб, меҳнат қилаётган чорвадор хўжалиги. Бу борада суҳбат кечганида фермер шундай деди:

— Ҳали отам раҳматлик мендан кутган ишларни амалга ошира олганим йўқ. Баҳоли қудрат ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирча йилига 1 тонна 500 литр сут ва 4 тоннадан зиёд гўшт маҳсулоти етиштиряпмиз. Худо хоҳласа, имкониятини қилиб, хўжалигимизни ривожлантиришни кўзлаяпмиз. Насли қорамоллар, бузоқлар сонини кўпайтирамиз, сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш ниятимиз бор.

Қуёш уфққа оғаётган маҳали биз бу оққўнгил инсон билан хайрлашдик. У тез-тез юрганича дала ўртасида тўхтаб қолган машинаси томон кетаркан, ним табассум қилганича хайр дегандай бир қўл силтаб қўйди.

Шукржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.





**Халқимизни, сув хўжалиги тизими
ходимларини**

1 сентябрь –Мустақиллик куни

муносабати билан самимий қутлаймиз.

**Кун сайин юксалиб, жаҳон ҳамжамиятида
ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бораётган
Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверсин.**

**Барчага тинчлик, соғлик ва ишларида
муваффақиятлар ҳамиша ёр бўлишини
тилаймиз.**

**Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси ҳузурдаги
Насос станциялари ва энергетика
бошқармаси жамоаси**

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилиниши олий ўқув юртлари талаба ёшлари ўртасида олиб борилаётган ўқув-маърифий ва маънавий-маданий ишларни янги поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда. Жамоатчи мухбиримиз Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Жаҳонгир ИСАЕВГА шу хусусда бир нечта саволлар билан муурожаат қилди.



— Жаҳонгир Музаффарович, суҳбатимизни филиалда таҳсил олаётган талаба ёшларни замон талабига мос кадрлар бўлиб етишиши борасида олиб борилаётган ишлардан бошласак.

— Филиалимизда Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармонида белгиланган вазифаларни ўз муддатларида тўлиқ ва самарали бажарилиши бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ёш авлоднинг сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида филиалимизда “Ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, спорт, санъат, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишларини ошириш бўйича бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш” доирасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ёшларни она Ватанга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда филиалимизнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Талаба-ёшларимизни жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиб етишиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, филиалимиз талабалари турли хил кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда. Жумладан, сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида таҳсил олаётган 1-курс магистрантимиз С.Қаҳҳоров қишлоқ хўжалиги бўйича “Йилнинг энг фаол талабаси” танловида қатнашиб, республикада 3-ўринни эгаллади.

Маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни”, “Алишер Навоий — сўз мулкининг султони”, “Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги”, “Мақом санъати кечаси”, “Наврўз — миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми”, “9 май — Хотира ва қадрлаш куни”, “А.Темур даврида қишлоқ хўжалигига берилган эътибор”, “Жаннат оналарнинг оёғи остидадур”, “Аёл — оила ва жамият таянчи” ва бошқа кўплаб мавзулардаги туркум маънавий ҳамда маърифий тадбирлар мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўтказилди.

— Талаба ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини юксалтириш, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу борада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, шоир Муҳаммад Юсуф таваллуд кунларига бағишланган бадиий-адабий кечалар талаба-

ёшлар томонидан саҳна чиқишлари асосида намойиш этилди. Китобхонликни кенг тарғиб қилиш доирасида “Ёш китобхон” тўғраги фаолияти самарали йўлга қўйилди. “Ҳар бир ходимнинг бадиий адабиёт совғаси” шиори остида ўтказилган хайрли акцияда профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва раҳбарларимиз ўзларининг шахсий кутубхоналаридан филиал кутубхонасига 220 дан ортиқ китоблар жамламасини ҳадя қилишди ва “Китоб — бу мўъжиза”, “Китобга меҳр — маънавиятга, маърифатга меҳрдир” шиори остида китоб ярмаркаси талабаларда китобхонликга бўлган қизиқишларини орттирди.

— Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Талабаларимиз ўртасида 5 та муҳим ташаббус доирасида ташкил этилган тўғарақларнинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш мақсадида шахмат-шашка, мини-футбол, волейбол мусобақаларида ёшларимиз фаол иштирок этишди. Пандемия шароитида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида “Соғлом ҳаёт сари 5000 қадам” акция марафони, Миллий кураш “Директор кубоги”, “Миллий ўйинлар — саломатлик гарови”, “Тўмарис” спорт беллашуви ва “Вазир кубоги” доирасида спорт мусобақалари ўтказилди. Талаба қизларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида ўз иқтидорларини, қобилиятларини намойен этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда эркин фаолиятига эга истеъдодли ёш хунарманд қизларимизни қўллаб-қувватлаш учун тивувчилик устахонаси шакллантирилди. Бунда улар либослар дизайни сир-синоатлари, ўз тадбиркорлик бизнеслари ва стартап лойиҳалари асосида фаолият юритиб келмоқда.

— Бугунги глобаллашув даврида олий ўқув юртларининг фаолиятини чет эллардаги ўқув муассасалари билан ҳамкорлигисиз тасаввур қилиш қийин. Шу муносабат билан филиалингиз хорижий ўқув юртлари билан қандай ҳамкорлик қилаётганлиги ҳақида ҳам айтиб берсангиз?

— Албатта, бизнинг филиалимиз ҳам бир қатор хорижий ташкилот ва ўқув юртлари билан алоқа ўрнатган. Масалан, Корея қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва қишлоқ муносабатлари вазирлиги (MAFRA)нинг Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш корпорацияси (KRC) билан ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Бундан ташқари, филиал магистрлари ёзда 3 ойлик амалиётни Германияда ўташи борасида JD East фирмаси билан шартнома имзоланди. Ҳиндистоннинг Марказий муҳандислик илмий-тадқиқот институти (CMERI) билан Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлиги доирасида бажарилиши 2021-2023 йилларга мўлжалланган “Усимликлар ҳимояси ва автоматик суғориш тизими асосланган тупроқлар мониторингида илғор рақамли технологиялардан фойдаланиш” илмий лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик ишлари талабаларимизга янада кўпроқ имкониятлар яратмоқда.

Суҳбатдош: Улуғбек МАМАЖОНОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

ЭФФЕКТЫ ОКС И СКС ПРИ ФОРМИРОВАНИИ ПРИЗНАКА «ИНДЕКС ВОЛОКНА» У СОРТОЛИНЕЙНЫХ ГИБРИДОВ F_1 *G.BARBADENSE L.*

The article presents the results of studies related to the determination of the effects of general and combinational ability, as a result of which a promising source and hybrid material with a high value of the "fiber index" trait is highlighted.

Основная проблема в селекции тонковолокнистых сортов хлопчатника по-прежнему остается увеличение урожая высококачественного волокна, что позволяет решать основную задачу отечественного хлопководства – поднятие его рентабельности (Курбонов, Автономов, 2020, Курбонов, 2019, Равшанов, 2020).

Из вышеназванной решаемой проблемы определена цель исследования – подбор исходного материала для гибридизации и выделение перспективных гибридов по признаку «индекс волокна».

В связи с решением поставленных проблем и цели исследований определены следующие задачи:

- определение эффектов ОКС и выделение высоко-индексного исходного материала для использования в гибридизации;

- определение вариантов СКС и величины показателя доминантности (h_p) с целью выделения высоко-индексных гибридных комбинаций F_1 .

В 2019-2020 годы развернуты исследования в лабораторных и полевых условиях Центрального экспериментального участка научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка в рамках прикладного проекта КХ-А-КХ-2018-135.

Во время опыта проводились следующие агротехнические мероприятия: основная вспашка - в декабре, предпосевная обработка, состоящая из малования и боронования в два следа, в двух направлениях – 12 апреля. Посев в 2020 году проведен 16 апреля по схеме 60 x 30 x 1. Во время проведения опытов на участке проведено пять мотыжений, одна прополка сорняков, два прореживания всходов, пять нарезок перед поливами, пять тракторных культиваций после поливов и пять поливов. Одновременно с первой нарезкой борозд внесено: аммиачной селитры – 250 кг/га, аммофоса 50 кг/га. Во вторую подкормку внесено 300 кг аммиачной селитры.

В качестве исходного материала для гибридизации служили сорта Сурхан-3, Сурхан-14 и Сурхан-16 и линии Л-3583 и Л-447.

Индекс волокна это масса волокна, снятого со 100 штук семян в граммах. Выход волокна может быть обусловлен различным сочетанием величины признаков «масса 1000 штук семян» и «индекс волокна». Поэтому исследования направлены на выяснение роли признака «индекс волокна» в формировании и характере проявления признака «выход волокна» у родительских форм участвующих в гибридизации и гибридов F_1 . Результаты средних величин признака «индекс волокна» представленные в таблице 1 свидетельствуют о том, что по анализируемому признаку наблюдались различия по средним величинам, как у исходного материала участвующего в гибридизации, так и у гибридных комбинаций F_1 .

Наиболее высокая величина признака «индекс волокна» среди родительских форм отмечен у Л-3583 (7,4 г). Результаты исследований, приведенные в предыдущих разделах, свидетельствуют о том, что высокий выход волокна у этой линии

формируется только за счет индекса волокна. У высоковыходного сорта Сурхан-14, индекс волокна которого выражен в несколько меньшей величине (7,0 г), при этом высокий выход волокна формируется преимущественно за счет малой массы 1000 штук семян (118,7 г.). Низковыводной сорт Сурхан-16, при наличии малой массы 1000 штук семян (120,8 г.) имел и наиболее низкий индекс волокна.

При одинаковой массе 1000 штук семян (127,7 г.) у Сурхан-3 и Л-447 выход волокна предопределял индекс волокна - при выходе волокна 35,86% и 35,03%, величина признака «индекс волокна» соответственно равнялась 7,1 и 6,8 г.

Следовательно, величина признака «выход волокна» у родительских форм за исключением сорта Сурхан-14 преимущественно определялся значениями признака «индекс волокна». Анализ полученных результатов эффектов ОКС у исходных родительских форм показал, что родительские формы Л-3583 и Сурхан-16 имеющие наиболее высокий и низкий средние величины признака «индекс волокна», отличались максимальными, отрицательными значениями ОКС.

Сопоставление вариантов СКС и ОКС показало, основным так же, как и по выходу волокна в проявлении признака это неаддитивный тип взаимодействия генов, что подтверждает тесную зависимость выхода волокна от индекса. В обоих случаях варианты СКС превышают по значению варианты ОКС.

Результаты исследований величин показателя доминантности (h_p) показывают, что у гибридов F_1 по анализируемому признаку обнаруживается преобладание сверхдоминантного типа наследования. При этом в 6 случаях проявляется эффект гетерозиса, а в 6 отрицательный эффект полного сверхдоминирования. Полное доминирование с уклонением в сторону родителя с меньшей величиной признака «индекс волокна» проявилось у двух гибридов Л-447 x Л-3583 (6,8 г) и Сурхан-14 x Сурхан-3 (7,0 г), перемена мест родителей у гибрида Сурхан-3 x Сурхан-14 привела к явлению полного доминирования с уклонением в сторону родителя с высоким значением признака «выход волокна». Промежуточное наследование с тенденцией влияния родителя с меньшей величиной признака «индекс волокна» установлено у 3 гибридных комбинаций, и у двух гибридов с уклонением в сторону высоко индексного родителя. По значениям величины показателя доминантности (h_p) абсолютно все гибриды с участием Л-3583 в качестве материнского или отцовского компонента в гибридизации показали отрицательные результаты со значениями признака «индекс волокна», уступающие худшему из родителей. Это явление свидетельствует, о том, что не всегда формы с высоким индексом волокна могут улучшать или передавать свои преимущества потомству.

Анализ проявления рецессивных эффектов выявил наличие у следующих гибридных комбинаций Сурхан-3 x Сурхан-14, Сурхан-3 x Сурхан-16 и Сурхан-14 x Сурхан-16, а именно у прямых гибридов первой и третьей гибридной комбинации установлены эффекты доминирования и сверх-

доминирования высокого индекса волокна, а у реципроков наблюдается доминирование и сверхдоминирование низкого индекса волокна. При скрещивании между собой исходных родительских форм с низкими величинами признака «индекс волокна» у гибридов F_1 проявляется ярко выраженный гетерозис. Так, например, у прямых гибридов Сурхан-14 х Л-447 и Л-447 х Сурхан-16 величина показателя (hp) доминантности характеризуется соответственно значениями 3,00; 2,50 и 6,00; 6,00 у обратных гибридов F_1 соответственно.

В результате анализа результатов проведенных исследований сделаны следующие выводы:

- установлено, что признак «индекс волокна» оказывает преимущественное влияние на величину признака «выход волокна» и его следует использовать, как основной критерий

оценки;

- величину признака «индекс волокна» исходных форм необходимо использовать с целью создания высоко выходных гибридов;

- созданы гибридные комбинации F_1 , обладающие высоким индексом волокна;

- лучшими исходными родительскими формами при гибридизации, с целью создания высоко выходных гибридов могут служить сорта Сурхан-14, Сурхан-3 и Л-3583.

Умид КАЮМОВ, д.ф. (PhD),
Виктор АВТОНОМОВ, д.с.х.н.,
Аъзам РАВШАНОВ, д.с.х.н.,
Аброр КУРБОНОВ, д.с.х.н.,
НИИССАВХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Автономов В.А., Эгамбердиев Р.Р., Кимсанбаев М.Х. Географически отдаленная гибридизация в селекции хлопчатника *G. barbadense* L. Монография. – Ташкент. 2009. 229 с.
2. Курбонов А.Ё. Создание селекционного материала, обладающего устойчивостью к патогенам рода *Fusarium* и *Verticillium* поражающих хлопчатник вида *G. hirsutum* L. Диссертация доктор DSc. – Ташкент. 2019.
3. Равшанов А.Э. Создание селекционного материала, сочетающего комплекс высоких значений признаков хлопчатника, с устойчивостью к некоторым факторам среды. Диссертация доктор DSc. – Ташкент. 2020.
4. Турбин Н.В., Хотылева Л.В., Тарутина Л.А. Диалельный анализ в селекции растений. //Ж.:Наука и техника. – Минск, 1974, С.184.
5. Beil G.M. Atkins Inheritance of quantitative characters in grain sorghum //Jowa State //Journal of Science. 1965.
6. Griffing V. Concept of general and specific combining ability in relation on crossing system. //Austral. J. Biol. Sci. 1956. Pp.463-493.
7. Davies Corinne, Howard Dorothy, Tam Georgette, Wong Nora. Isolation of *Arabidopsis thaliana* mutants hypersensitive to gamma radiation. //Mol. and Gen. 1994. 243. 6. Pp. 660-665.
8. Olsen Odd-Arne, Shimamoto Ko, Nielsen Peter Stein, Linneestad Casper, Kalla Roger. The barley LTP [2] promoted yields high level of gus expression in the aleuronic layer of developing grains of transgenic rice - //Ceel. Biochem. 1994. Suppl. 18 a.p. 99.
9. Rao G.M.K. Genie analysis of ginning and fibre properties in Upland cotton //Univ. Agr. Sc. Bangalore. India. 1974.
10. Stroman G.H. Variability and correlation in a cotton breeding program //Journ. Agric Res. 1949. 78 pp.353-364.
11. Stubbe H. User toro und digenlegigte heterozis. //Antirrhinum mague lind abst, Verer hunggelehre. 1953. 4-85. Pp.20-25.

УЎТ: 631.51:635.651

ТАДҚИҚОТ

АНҒИЗДА МОШ ЕТИШТИРИШДА МОЛИБДЕН (Mo) МИКРОЭЛЕМЕНТИДАН ТУРЛИ УСУЛЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ

The using of the microelement molybdenum in various ways when growing crop beans shows positive changes in growth and development, and an increasing in productivity by 17,4-28,2% was established compared with the control option.

Дуккакли-дон экинлари орасида мош экиладиган майдон ҳажми жиҳатидан жаҳонда соядан кейин иккинчи ўринда туради (25 млн. гектарга яқин). Маълумотларга кўра, республикамизда ҳар йили мош тақрорий экин сифатида 18-20 минг гектардан ортиқ майдонда етиштирилади.

Илмий манбалардан маълум бўлишича, мош вегетация даврида тупроқда 50-100 кг/га биологик азот ва органик моддалар тўплаб, табиий унумдорликни оширади.

Тақрорий экин сифатида дуккакли экин экилиши ҳисобига ҳар гектар майдонда буғдой ва мош ўсимлигидан жами 4,40 тонна анғиз ва илдиз қолдиқлари тупроқда тўпланади. Туп-

роқдаги қолдиқ анғиз ва илдизлар чириши ҳисобига тупроқдаги гумус миқдори ортади. Натижада тупроқ унумдорлигини сақлаб қолишга эришилади.

Маълумотларига кўра, молибден таъсирида дуккакли экинлар илдизида нафақат туганаклар миқдори кўпаяди, балки нитратлар аммиаккача қайта тикланади. Молибден таъсирида ўсимликда углевод, каротин ва аскорбин кислотаси миқдори кўпаяди. Молибден таъсирида ўсимликда хлорофилл миқдори кўпаяди ва фотосинтез жадаллиги ошади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2018-2019 йилларда анғизда мош етиштиришда молибден микроўғитини турли

усулларда қўллашнинг ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

Дала тажрибаси бир ярусда, тўрт қайтариқда ўтказилиб, пайкалнинг узунлиги 50 метр, ҳар бир вариант саккиз қатордан, қатор ораси 60 см, эни 4,8 м, майдони 240 м², ҳисоб майдончаси эса 120 м² ташкил этди.

Тажрибада вегетация даври давомийлигини ҳисобга олишдан маълум бўлишича, уруғни сувда ивитиш (назорат) вариантида ушбу кўрсаткич 78 кунни, молибденнинг 0,05% ли эритмаси қўлланилган вариантларда вегетация даври 3-9 кунга ўзгарганлиги кузатилди.

Эътиборли томони шундаки, N₃₅P₇₀K₄₀ (фон) вариантида ғунчалаш-гуллаш давомийлиги 26 кунни ташкил этган бўлса, молибден микроўғити турли усул ва муддатларда қўлланилганда бу давр қисқарди, демак, молибден микроўғити ўсимликнинг гуллаш фазасига киришини тезлаштиради. Бироқ, донларнинг тўлишишидан тўлиқ пишишигача бўлган давр N₃₅P₇₀K₄₀ (фон) вариантида 17 кунни ташкил этган бўлса, молибден таъсирида бу давр 2-3 кунга кечикканлиги қайд этилди. Бу ҳолат ўсимликда физиологик жараёнлар давом этганлиги, ўсимлик қўллаб қуруқ модда тўплаганлиги билан изоҳланади.

Олинган маълумотларга қараганда, ангида етиштирилган мош дуккакларининг шаклланиши макро- ва микроўғитларга мутаносиб равишда ўзгарди. Дуккаклар сони тажриба вариантларида ўрта ҳисобда ҳар бир ўсимликда 12,3 донадан 15,4 донагача бўлишини кўрсатди. Масалан, N₃₅P₇₀K₄₀(фон)+уруғни сувда ивитиш (назорат) вариантда дуккаклар сони ўртача 12,3 донани ташкил этган бўлса, макроўғитлар фонид уруғларни аммоний молибдатнинг 0,05%ли эритмасида ивитиш экиш вариантида 13,6 дона ёки назорат вариантга нисбатан 10,6% кўп бўлиши таъминланди. Энг юқори кўрсаткич макроўғитлар фонид уруғни аммоний молибдатнинг 0,05% ли эритмасида ивитиш билан бирга 5-6 барглик фазасида аммоний молибдатни 0,5 кг/га меъёрда тупроққа қўллаш вариантида кузатилиб, дуккаклар сони 15,4 донани ташкил этди ёки назорат вариантга қараганда 25,2% га кўп бўлди.

Микроўғитни тупроққа қўллаш кечиктирилганда (ғунчалашда) дуккаклар сони нисбатан камайиб, битта ўсимликда 15,0 донани ёки назоратга нисбатан 21,6% ни ташкил этди. Тажрибада аммоний молибдатнинг 0,05% ли эритмасини барг орқали пуркаш вариантларида ҳам дуккаклар сони кўпайиши таъминланди, бироқ микроўғитни тупроққа қўллашга қараганда самарадорлиги бирмунча кам бўлганлиги қайд қилинди.

Масалан, макроўғитлар фонид уруғларни аммоний молибдатнинг 0,05% ли эритмасида ивитиш экиш билан биргаликда ғунчалаш фазасида унинг 0,05% ли эритмаси барг орқали пуркалган вариантда ҳар бир ўсимликда ўрта ҳисобда 15,1 дона дуккак шаклланган бўлиб, назоратга нисбатан 22,8% зиёдлиги аниқланди.

Ўсимликни фақатгина макроўғитлар билан ўғитлашга қараганда, макроўғитлар фонид аммоний молибдатни турли усулларда қўллаш билан дуккакдаги донлар сони ва салмоғи биров ўзгариши ҳисобга олинди. Масалан, N₃₅P₇₀K₄₀(фон)+уруғни сувда ивитиш (назорат) вариантда дуккакдаги донлар сони ўртача 13,4 донани ташкил этган бўлса, макроўғитлар фонид уруғларни аммоний молибдатнинг 0,05% ли эритмасида ивитиш экиш вариантида 14,0 дона ёки назорат вариантга нисбатан 4,5% кўп бўлиши таъминланди. Энг юқори кўрсаткич макроўғитлар фонид уруғни аммоний молибдатнинг 0,05% ли эритмасида ивитиш билан бирга 5-6 барглик фазасида аммоний молибдатни 0,5 кг/га меъёрда тупроққа қўллаш вариантида кузатилиб, дуккакдаги донлар сони 14,6 донани ташкил этди ёки назорат вариантга қараганда 9,0% га кўп бўлди. Микроўғитни тупроққа қўллаш кечиктирилганда (ғунчалашда) дуккакдаги донлар сони нисбатан камайиб, битта ўсимликда 14,0 донани ёки назоратга нисбатан 4,5% кўп бўлди.

Тажриба натижаларининг кўрсатишича, макроўғитлар фонид аммоний молибдатни тупроққа қўллаш қўллаш таъсирида ҳосилдорлик сезиларли ўзгарди. N₃₅P₇₀K₄₀(фон) + уруғларни (0,05% ли Мо) ивитиш+5-6 баргликда (0,5 кг/га Мо) тупроққа қўллаш вариантида ҳосилдорлик назоратга нисбатан 28,2% га ошган бўлса, N₃₅P₇₀K₄₀(фон)+уруғларни (0,05% ли Мо) ивитиш+ғунчалашда (0,5 кг/га Мо) тупроққа қўллаш вариантида 19,5% зиёд бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, мош етиштиришда молибден микроэлементини турли усулларда қўллаш орқали ўсимликнинг ўсиши, ривожланишида ижобий ўзгаришлар кузатилади ҳамда ҳосилдорлиги назорат вариантга нисбатан 17,4-28,2% ошишига, шу билан бирга, тупроқда қолдирган ангиз ва илдиз қолдиқлари, биологик азот тўплаши ҳисобига тупроқ унумдорлигининг яхшиланишига олиб келади.

Феруза ХАЛИЛОВА,
мустақил тадқиқотчи, СамВМИ.

Акмал САНАКУЛОВ,
қ.х.ф.д., профессор, СамДУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Болтабоев Х.А., Сайфуллаева Н.Қ., Эшонтўраев А.А. Кузги буғдойдан кейин такрорий мош етиштириш // Наманган давлат университети Илмий ахбороти. 2015. №1. 36-38-б.
2. Носирова М.Д. Приёмы возделывания поживного маша в условиях Центрального Таджикистана // Монография. Душанбе, ООО «Сапфир», 2008. 275 с.
3. Носирова М.Д. Научное обоснование приемов возделывания поживного маша (Азиатской фасоли - Phaseolus aureus P.) в условиях орошаемых земель Таджикистана: Автореф. дисс на соискание уч. степ. докт. с-х наук. Душанбе, 2012. 36 с.
4. Рустамов А.А., Суванов Ф.К., Санакулов А.Л. Элементы агротехнологии возделывания поживного маша (Азиатской фасоли – Phaseolus aureus P.) в условиях орошаемых земель Самаркандской области // Инновационные подходы в решении проблем современного общества. Сборник статей III Международной научно-практической конференции. –Пенза, «Наука и просвещение», 2018. –С. 38-41.
5. Қўчқорова М., Тоштемиров А., Санакулов А. Микроэлементларнинг дуккакли ва дуккакли дон экинлар ҳаётидаги роли // "Илм сари илк қадам". Ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий конференцияси материаллари тўплами. I-қисм. Самарқанд, 2014. 10-12-б.
6. <http://agro.uz> Ҳолиқов Б., Иминов А. Такрорий мош етиштириш бўйича тавсиялар.
7. <http://www.agro.uz> Ҳолиқов Б. Такрорий экинларни етиштириш бўйича тавсиялар.



Қадрли юртдошлар!
 Жонажон Ўзбекистонимиз
 равожи учун меҳнат
 жабҳаларида жасорат
 кўрсатаётган соҳа фидойилари!
 Сизларни юртимиз
 Мустақиллигининг 30 йиллиги
 билан самимий қутлаймиз.
 Сизга, оила аъзоларингиз ва
 яқинларингизга доимо соғ-
 омонлик, саодатли ҳаёт тилаб
 қоламиз.

**Қуйи Чирчиқ тумани
 Ветеринария ва чорвачиликни
 ривожлантириш бўлими жамоаси**



СРОКИ ПОСЕВА СЕМЯН И ВЫСАДКИ РАССАДЫ ПЕРЦА СЛАДКОГО В ЦЕНТРАЛЬНОЙ ЗОНЕ УЗБЕКИСТАНА

The article presents the results of the influence of the sowing data of seeds and planting seedlings on the yield and its quality in sweet pepper plants. It has been established that for the sweet pepper cultivation in the conditions of the Central zone of Uzbekistan, the best sowing dates are: sowing seeds in a greenhouse on February 10-20 and planting seedlings on April 10-20. Sowing seeds and planting seedlings at the specified time allows you to get a higher and marketable yield of fruits in comparison with later varieties.

Из комплексов агротехнических мероприятий, направленных на получение высокого и качественного урожая, особое значение имеют сроки посева семян и высадки рассады. Оптимальный срок посева семян и высадки рассады являются определяющими факторами, влияющими на урожайность и качество овощных культур.

Учитывая необходимость установления оптимальных календарных сроков посева семян и высадки рассады перца сладкого мы провели специальные исследования.

Материалом для исследований служили широко распространенные сорта перца сладкого «Дар Ташкента» и «Наргиза», селекции Научно-исследовательского института овощебахчевых культур и картофелеводства. Исследования проводили в 2019-2020 годы на полях экспериментальной базы Научно-исследовательского института генетических ресурсов растений (НИИГРР), где сосредоточена мировая коллекция сельскохозяйственных культур, в т.ч. и перца сладкого (*Capsicum annuum* L.).

Исследования проводили согласно «Методике полевого опыта» (Доспехов, 1985), «Методика полевого опыта в овощеводстве» (Литвинов, 2011), «Методическим указаниям по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны)» (Л., 1977) и др.

Повторность опыта четырехкратная. Площадь учетной делянки 28 м². Схема высадки 70 x 30 см. Изучали 5 сроков посева семян и высадки рассады.

Целью данного исследования является изучение влияния сроков посева семян и высадки рассады на урожайность и её качество у растений перца сладкого в условиях Центральной зоны Узбекистана.

Растения от разных сроков высадки рассады в открытый грунт, произрастая при различных температурных условиях, образуя различную развитую надземную часть и разную площадь ассимиляционной поверхности и имея различную продолжительность периода вегетации, значительно различались между собой по величине и качеству формируемого урожая.

Во все годы исследований у обоих сортов ранние сроки высадки рассады в открытый грунт обеспечивали получение более высокого урожая плодов. Наиболее высокий урожай в среднем за годы исследований был получен у обоих сортов при высадке рассады в открытый грунт 10 и 20 апреля — контрольном варианте (табл.).

Варианты опыта	Сроки	
	посева семян в теплице	высадки рассады в открытый грунт
I	10.02	10.04
II	20.02 (контроль)	20.04 (контроль)
III	01.03	30.04
IV	10.03	10.05
V	20.03	20.05

Так, у сорта «Дар Ташкента» общая урожайность плодов в первом варианте опыта составила 37,7 т/га, что составляет 101,1% в отношении контроля. В контрольном варианте урожайность также была высокой и составила 37,3 т/га. У сорта «Наргиза» в первом варианте общая урожайность составила 39,5 т/га, что составляет 102,9% в отношении контроля. Во втором контрольном варианте опыта общая урожайность этого сорта составила 38,4 т/га.

Влияние различных сроков посева семян и высадки рассады перца сладкого на урожайность и её качество (НИИГРР, 2019-2020)

Варианты опыта	Средняя масса плода, г	Урожайность, т/га			
		общая	в % к контролю	товарная	в % к контролю
Дар Ташкента					
I	77	37,7	101,1	36,7	103,7
II	76	37,3	100,0	35,4	100,0
III	73	36,0	96,5	35,1	99,2
IV	70	32,3	86,6	31,3	88,4
V	65	27,6	73,4	26,7	75,4
НСР ₀₅		2,1			
Наргиза					
I	81	39,5	102,9	38,4	101,9
II	79	38,4	100,0	37,7	100,0
III	75	36,7	95,6	36,5	96,8
IV	72	33,5	87,2	33,1	87,8
V	67	28,6	74,5	27,5	72,9
НСР ₀₅		1,8			

Поздние сроки высадки рассады снижали урожайность перца сладкого по сравнению с первым и контрольным вариантами. Разница в величине урожая между первым и контрольным вариантами и более поздними сроками посадки в большинстве случаев была выше наименьшей существенной разницы, и снижение урожайности была достоверной. Так, у сорта «Дар Ташкента» отодвигание срока высадки рассады в открытый грунт с 20 на 30 апреля снизило урожайность на 1,3 т/га или 3,5%, а на 10 мая — на 5,0 т/га или 13,4%, у сорта «Наргиза» соответственно 1,7 т/га или 4,4 % и 4,9 т/га или 12,8%.

Исследования показали, что от первого к последнему сроку высадки рассады урожайность и её товарность перца сладкого закономерно снижаются.

Наиболее крупными были плоды у растений первого и второго вариантов опыта, и средняя их масса составила у сорта

«Дар Ташкента» — 76-77 г, а у сорта «Наргиза» — 79-81 г. У обоих сортов средняя масса плода также закономерно уменьшается от первого к последнему сроку высадки рассады.

Выводы. Проведенные исследования показали, что для выращивания перца сладкого в условиях Центральной зоны Узбекистана наилучшими сроками посева являются: посев семян в теплице 10-20 февраля и высадка рассады 10-20 апреля. Посев семян и высадка рассады в указанные сроки позволяют получить более высокий и товарный урожай плодов по сравнению с более поздними образцами.

Тулкин ХОЛМУМИНОВ,

к. с.х. н., ст. н. с.,

базовый докторант,

НИИ овощебахчевых культур и картофелеводства.

ЛИТЕРАТУРА

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985.- 351 с.
2. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. – М., 2011.
3. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны). – Л.: ВИР, 1977.- 23 с.

ЎЎТ: 633.511/631.5

ТАДҚИҚОТ

ЎЎЗНИ СУЎОРИШ МУДДАТЛАРИНИ РЕФРАКТОМЕТР ЁРДАМИДА ТЕЗКОР УСУЛДА АНИҚЛАШ

The paper presents materials related to rapid determination of irrigation time of cotton variety Jarkurgan by using the refractometer and the materials related to cell sap values in different irrigation scheduling.

Бугунги кунда пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун амалга оширилган агротехника тадбирлари ичида ўзани ўз вақтида тўғри суғориш катта аҳамиятга эгадир. Тор қаторлаб, квадрат уялаб экилган ўзаларни, айниқса, тўғри суғориш жуда муҳимдир. Ўзанинг ҳосили териб олинганча уни парвариш қилишдаги барча ишлар машиналаштирилиши учун ўсимликлар ўрточа катталиқда, кўсақлари қуйи шохларида жойлашган бўлиши керак. Ўсимлик ҳаётида сув жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Олиб борилган илмий изланишларимиз Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида 2018-2020 йилларда ўтказилди. Таҷриба 5 та вариантдан иборат бўлиб, 3 тадан такрорланишда, битта ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир делянка-бўлакчалар 8 қатордан, қатор оралиғи 60 см, битта делянка умумий майдони 480 м², шундан ҳисоб майдони 240 м² ни ташкил этди. Икки хил ўғит меъёрларида N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га ва N-225, P₂O₅-157,5, K₂O-112,5 кг/га, икки хил суғориш тартибларида ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, 70-75-65% да ўрганилди. Тадқиқотни амалга оширишда “Дала таҷрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, Тошкент, 2007 й.) услубий қўлланмасидан фойдаланилди.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш муддатларини аниқлаш учун кўплаб услуб ва усуллардан фойдаланилади. Нафақат ўза, балки бошқа кўплаб зироатларни суғориш муддатини тупроқ намлиги бўйича белгилаш энг ишончли услублардан бири бўлиб, зироатлардан юқори ҳосил олиш учун тупроқда ўсимлик ўзлаштира оладиган доимий намлик бўлиши зарур ва унга мақбул намлик даражаси таъминланиши керак. Шунинг учун ҳам суғоришолди тупроқ намлигини белгиланган меъёрларда сақлаб туриш учун суғоришолди тупроқ намлигини термостат тарози усулда аниқлаб бориш

классик усул ҳисобланади. Лекин ушбу усул кўп вақт, меҳнат талаб қилади.

Суғориш муддатини ўсимлик барг ХШКси бўйича аниқлаш бир оз соддароқ усул ҳисобланиб, ҳужайра шираси концентрацияси дала шароитида оптик ва электрон қўл рефрактометри ёрдамида аниқланади. Бунда айниқса оптик қўл рефрактометридан кўра электрон қўл рефрактометридан фойдаланиш яхши самара беради. Ўзада барг ХШКсини аниқлашда ҳар бир вариантдан ўза ўсиш нуқтасидан учинчи яхши ривожланган 9 та барг алюмин стаканларга олинади. Стакандаги баргларга бир неча томчи толуол томизилади. Бу барг ширасини сиқиб олишни энгиллаштиради. Бундан ташқари, толуол ўлдирган барг шираси тиниқроқ бўлиб, рефрактометр кўрсаткичи бўйича ҳисобни осонлаштиради. Шундан сўнг махсус қисқич ёрдамида баргдан шира чиқарилиб, бир неча томчи рефрактометр призмасига томизилиб, кўрсаткич кўрсаткичи аниқланади.

Бажарилган таҷрибада суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлган вариантларда амал даврида 4 маротаба 1-2-1 тизимда суғорилиб, суғоришолди тупроқ намлиги гуллашгача 66,2%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 65,6-66,5%, пишиш даврида эса 61,5% бўлди. Суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлган назорат вариантыда амал даврида 5 маротаба 1-3-1 тизим бўйича суғорилиб, суғоришолди тупроқ намлиги гуллашгача 71,2% ни, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 69,3-70,2%, пишиш даврида эса 61,2 % бўлди.

Суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% бўлган вариантларда амал даврида 6 марта 1-4-1 тизимлар бўйича суғорилиб, суғоришолди тупроқ намлиги гуллашгача ЧДНСга нисбатан 71,2%, тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан

Ўрганилган ғўза навининг суғоришолди тупроқ намлиги ҳамда рефрактометр кўрсаткичлари, %, (2018-2020 й).

Ўза навлари	ЧДНСга нисбатан суғориш тартиби, %	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони						
			1	2	3	4	5	6	
2018 йил									
С-6524 (назорат), Жарқўрғон	65-65-60	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	14,2	14,0	14,2	13,2			
		ЧДНС га нисбатан, %	66,2	65,6	66,5	61,5			
		Жарқўрғон (ХШК)	18,2	19,7	19,4	22,5			
	70-70-60	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,2	15,0	14,8	14,8	13,1		
		ЧДНС га нисбатан, %	71,2	70,2	69,3	69,6	61,2		
		Жарқўрғон (ХШК)	16,7	17,1	17,8	17,6	22,7		
	70-75-65	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,2	15,9	15,7	15,7	16,2	14,2	
		ЧДНСга нисбатан, %	71,2	74,5	73,8	73,8	74,5	66,3	
		Жарқўрғон (ХШК)	16,7	15,3	15,8	15,9	15,5	21,7	
2019 йил									
С-6524 (назорат), Жарқўрғон	65-65-60	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	13,8	14,1	14,1	13,2			
		ЧДНС га нисбатан, %	64,4	66,4	66,3	61,7			
		Жарқўрғон (ХШК)	18,6	19,2	19,3	22,5			
	70-70-60	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,1	14,8	15,3	14,7	13,1		
		ЧДНС га нисбатан, %	70,6	69,7	71,6	68,8	61,3		
		Жарқўрғон (ХШК)	16,8	18,5	18,2	18,8	22,7		
	70-75-65	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,1	16,2	16,3	16,0	15,8	14,1	
		ЧДНСга нисбатан, %	70,6	76,0	76,4	75,2	74,1	65,8	
		Жарқўрғон (ХШК)	16,8	16,8	15,4	15,2	15,7	16,1	
2020 йил									
С-6524 (назорат), Жарқўрғон	65-65-60	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	13,6	14,0	13,8	13,0			
		ЧДНС га нисбатан, %	64,6	66,0	65,0	61,5			
		Жарқўрғон (ХШК)	18,2	19,1	19,5	22,6			
	70-70-60	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,0	15,1	14,9	15,0	12,9		
		ЧДНС га нисбатан, %	71,2	71,5	70,5	70,7	61,4		
		Жарқўрғон (ХШК)	16,3	17,1	17,2	17,1	22,7		
	70-75-65	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,0	15,9	15,9	16,0	15,9	13,8	
		ЧДНСга нисбатан, %	71,2	75,0	74,9	75,6	75,2	65,6	
		Жарқўрғон (ХШК)	16,3	15,5	15,5	15,3	15,5	20,9	

15,2%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 73,8-74,5%, пишиш даврида 66,3% бўлди.

2018 йилда олиб борган илмий изланишларимизда “Жарқўрғон” ғўза навида рефрактометр кўрсаткичлари гуллаш-ҳосил даврида суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 66,2% бўлганда, тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан фоиз ҳисобида 14,2% ни ташкил қилиб, рефрактометр кўрсаткичи 18,2 фоизни ташкил қилди. Гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65,5-66,5% бўлганда, тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан фоиз ҳисобида 14,0-14,2% ни ташкил қилиб, рефрактометр кўрсаткичи 19,7-19,4 фоизни ташкил қилди. Ғўзанинг пишиш фазасида эса суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 61,5% бўл-

ганда, тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан 13,2% ни ташкил қилиб, рефрактометр кўрсаткичи 22,5 фоизни ташкил этиб, ғўзанинг дастлабки даврида, яъни шоналаш фазасида барг хужайра шираси концентрацияси пишиш фазасига нисбатан 2-3 га пастроқ бўлиши кузатилди. Бу эса ёш ниҳолларда барг хужайраси ичида сувнинг нисбатан кўплиги ва қари хужайраларнинг деярли йўқлиги билан изоҳланади. Ўсимлик хужайрасининг асосий қисми сувдан иборат бўлиб, хужайралар қариши билан унинг таркибидаги сувнинг камайиши кузатилади. Шу сабабли қари хужайраларда тупроқ намлиги бир хил бўлганда ҳам хужайра шираси концентрацияси юқорироқ бўлади.

Ўрганилган ғўза навининг сувга бўлган талаби кам эканлиги кузатилди. 2019 йилда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, суғоришолди тупроқ намликлари ва рефрактометр кўрсаткичлари 2018 йилдаги кўрсаткичларга деярли яқин бўлиб, атиги 0,5-1,0% орасида фарқланди.

2019 йилда ўрганилган “Жарқўрғон” ғўза нави рефрактометр кўрсаткичлари гуллаш-ҳосил даврида суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65% да 18-19% ни, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70% да 16-17% ни, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75% да 16-17% ни, гуллаш-ҳосил тўплаш фазасида суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65% да 19-20% ни, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70% да 17-18% ни, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75% да 15-16% ни, ғўзанинг пишиш фазасида суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65% да 22,5% ни, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70% да 21-22% ни, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 75% да 16-17% ни ташкил этганлиги аниқланди.



**Чиноз туманидаги “Меҳнат шўҳрати”
ордени соҳиби Гафар Акрамов
раҳбарлигидаги “Ўринбой ҳожи”
фермер хўжалиги жамоаси**

**Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги
билан халқимизни, фермер ва
дегҳқонларни, қишлоқ ва сув хўжалиги
соҳаси меҳнаткашларини чин қалбдан
табриклайди.**

**Хирмонларимиз сарбаланд,
дастурхонларимиз тўкин,
турмушимиз янада фаровон бўлсин!**



2020 йилда олиб борилган тадқиқотларимизда ўрганилган ғўза навида суғориш муддатларини аниқлаш бўйича олинган қонуниятлар 2018-2019 йиллардаги қонуниятларни тақдорлади.

Хулоса қилиб айтганда тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилиндики, суғориш муддатларини тезкор усулда

аниқлаш учун барг ҳужайра шира концентрацияси "Жарқўрғон" ғўза навида гуллашгача 18-19%, гуллаш-ҳосил тўплашда 19-20%, пишишда 22-23% кўрсаткичда суғориш тавсия этилади.

Фаррухжон ҒОППОРОВ,
қ.х.ф.ф.д, ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

Авлиёқулов Н.Э. Сурхон-Шеробод водийси тақир ва тақир-ўтлоқ тупроқларида ингичка толали ғўза навлари сув тартибини мақбуллаштириш. Номзодлик дисс, автореферати. 1985 й. –Б. 7-9.

Бабаев Я., Оразбайева Г. Шўрланган ерда етиштирилган иқлимлашган ва янги ғўза навлари уруғлик чигит сифати кўрсаткичлари. // "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журналининг "Агро илм" илмий иловаси. -Тошкент, 2013 й. - № 1. –Б-8.

Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ, Тошкент, 2007 й. Б-1-46.

Evet S., Laurent J-P., Cepuder P., Hignett C. (2002). Neutron Scattering. Capacitance. and TDR Soil Water Content Measurements Compared on Four Continents, 17 th World Congress of Soil Science, August 14-21. 2002 y. Bangkok, Thailand, Transactions. pp. 10-21.

УЎТ: 631.3

ТАДҚИҚОТ

СУФОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ (ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ МИСОЛИДА)

This article discusses the analysis of farm area in Urta Chirchik district of Tashkent region.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган, яъни қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, фермер хўжаликлар, энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқараётган, қайта тайёрланаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларининг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги

юқори қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш тўғрисида таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда.

Бу борада республикадаги мавжуд фермер хўжаликларининг тасарруфидаги ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари амалга ошириш йўли билан улар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда ер ва бошқа ресурслардан оқилна фойдаланиш бугуннинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикада мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғ-

лиқ масалаларни ҳал қилиш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритувчи субъекти ҳисобланган, фермер хўжаликлари томонидан рақобатбардош маҳсулотларини етиштиришлари учун уларга бириктириб бериладиган ер майдонлари миқдорини қулай ва мақбул жиҳатларини тажрибалар ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддаси ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига асосан Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир. Фермер хўжаликлари Республикада қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариши субъекти ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд фермер хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Мақбуллаштиришда биринчи навбатда ҳар ҳудудда мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш учун ягона рўйхати шакллантирилади. Уларга ажратилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланилаётганлиги ва ижара шартномаси шартларига риоя қилинишини жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан тўлиқ таҳлил этилди.

Ўрганиш натижасида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ходимлари фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилган ер майдонларини фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан уй-жой қуриш учун эгаллаб олинган, ноқонуний нотураб бино ва иншоотлар, балиқ ҳовузи қурилган, тупроқнинг унумдор қат-

ламини карьер сифатида фойдаланиш учун кесиб олинган, ноқонуний боғ, узум ва тут экиб олган, режадаги экинларни экмасдан бошқа экинлар экиб олган, режадаги экинлар кам экилган ҳолатлар бўйича; туман сув хўжалиги бўлимлари томонидан сувдан фойдаланиш талабларига амал қилмаган, яъни экинларни қўллаб-қўллаган, лимитдан ортиқча сув олган, сув билан таъминлаш бўйича шартнома тузмаган ва бошқа ҳолатлар ўрганилади.

Юқоридаги камчиликлар мавжуд бўлган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонини узоқ муддатга ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинади ва мақбуллаштириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Биз таҳлил қилаётган Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида 283 та фермер хўжаликлари турли йўналишлар бўйича фаолият олиб бормоқдалара. Шу жумладан, пахта-ғаллачилик бўйича 154 та, боғдорчилик бўйича 71 та, сабзавот-полиэчилик бўйича 8 та, сабзавот-ғаллачилик бўйича 23 та ва чорвачилик бўйича

27 та ни ташкил қилади.

Жами ажратилган ер майдони 25613 гектарни, шундан экин ерлари 22159 гектарни, боғзорлар 849 гектарни ва узумзорлар 27 гектарни ташкил қилади. Фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони ҳозирги кунда 86,8 гектарни ташкил этади.

Лойиҳаларни ишлаб чиқишда биринчи навбатда контурлар яхлитлигини сақлаган ҳолда, тупроқ шароити, сув йўли ва бошқа омиллар ҳисобга олинмиши, ер участкаларининг ҳажмлари уларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, фермер хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланиш учун, авваломбор, фермер хўжаликлари учун керак бўлган шарт-шароитларни тўлиқ яратиб бериш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш зарур.

Зулфия ХАФИЗОВА,

катта ўқитувчи, ТИҚХММИ,

Жўрабек МУРАДОВ,

Тошкент вилояти Ўрта чирчиқ тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. 30.04.1998 й. 598-И-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш. 2004 йил 26 август, 662-И-сон.
3. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил, 7 февраль
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори.
5. Фермер хўжаликларининг статистик маълумотлари. 2021 йил

УЎТ: 338.43 : 004

ТАДҚИҚОТ

ЭКИНЛАРНИ ОПТИМАЛ ЖОЙЛАШТИРИШ МАСАЛАСИНИ ЕЧИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

This paper deals with the possible opportunities to use maximization issues in efficient use of resources in agricultural sector and widespread introduction of computer technology in their solution. Also, developed suggestions and recommendations to simplify and popularize the use of these methods are described.

Қишлоқ хўжалигида рентабелликни ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим масалалардан ҳисобланиб, оптимал ечимларга эга бўлишда замонавий технологияларни қўллашни талаб қилади. Анъанавий деҳқончиликда экинларни режалаштириш бўйича қарорлар асосан фермерларнинг тажриба ва кўникмасидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган. Бироқ қишлоқ хўжалигини ривожланиши ер ва бошқа ресурсларга босимнинг ошиши, ихтисослашувнинг ўсиши, капитал кўп талаб қи-

ладиган ишлаб чиқариш тизимларининг вужудга келиши билан бир қаторда, математик моделни тузиш, ечиш ва таҳлил қилиш асосида режалаштиришнинг янада расмий ҳамда самарали усуллари ишлаб чиқишнинг аҳамияти ошиб борди.

Хусусан, математик дастурлаш моделлари ташкил этилгандан буён бевосита ёки билвосита қишлоқ хўжалигида ресурсларни тақсимлаш, инвестиция қарорлари, солиштирма устунлик, таваккалчилик каби сиёсий

масалаларни таҳлил қилишда қўлланилиб келинмоқда. Дастлаб экинларни оптимал жойлаштириш бўйича тадқиқотлар фермер хўжаликлари доирасида олиб борилган [1,2], кейинчалик бу каби усуллардан кенг қўланилиб миқёсларда режалаштиришни амалга ошириш учун минтақавий даражага кўтарилган [3]. Аммо, математик дастурлаш моделлари тадқиқот ишларида кенг қўлланилиб келаётган бўлишига қарамасдан, улардан фермер хўжаликлари доирасида фойдаланиш масалалари ўз ечимини кутмоқда.

Экинларни режалаштиришда буни инobatга олган ҳолда турли ёндашувларни ва усулларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топдик. Дастлаб математик дастурлаш масаласининг умумий мақсади ва қўйилишига тўхталиб ўтамиз. Бу каби масалаларда икки ҳолат қараб чиқилади, яъни фойдани максималлаштириш ёки харажатларни минималлаштириш. Фойдани максималлаштириш масаласи қишлоқ хўжалиги соҳасида қуйидагича қўйилади [4]:

Бу ерда: I_{\max} = максимал фойда миқдори, i = ўсимлик тури ($i = 1, 2, 3, \dots, n$); j = маълум самарадорликка эга ер майдони ($j = 1, 2, \dots, n$), X_{ij} = j экин майдонида i экин тури майдони, P_{ij} - j экин майдонида i экин тури етиштиришдан олинадиган фойда.

Бу каби мураккаб муаммоларни тез ва самарали ечишда компьютер дастурлари тўпламларидан кенг фойдаланилиб келинмоқда, улар муаммоларни ҳал қилишда миқдорий ёндашувнинг самарали қисми ҳисобланади. Бугунги кунда турли дастурий пакетларнинг мавжудлиги моделларга кўплаб тадбирлар ва чекловларни киритиш имкониятини яратиб берди [5]. Бу каби таҳлилий натижаларни қарор қабул қилувчига осонликча етказиш мумкин. Миқдорий ёндашув учун амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган етакчи дастурий пакетлар MS Excel Solver,

LINGO/LINDO, QSB, QSOM, LIPS ва GAMS кабилардир.

Экинларни оптимал жойлаштириш масаласидан фойдаланиш ва уни ечишни истовчилар даставвал мақсад, дастурий таъминотни мавжуд тажриба ва муаммонинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танлаш лозим. Масалан, MS Excel Solver оддий, моделлаштиришни ўрганиш ва кичикроқ муаммоларни ҳал қилиш учун қўл келади. Кўп сценарийли таҳлилни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, бу эса тез – тез ўзгартиришларни талаб қилади, шу сабабли бу каби масалаларни ечишда оддий дастурлардан фойдаланиш таклиф қилинмайди.

Бугунги кунда бу каби масалаларни ечиш учун кўплаб дастурий таъминотлар яратилган бўлиб, уларнинг катта қисми илмий фаолиятда фойдаланишга режалаштирилган, анча мураккаб, шунингдек, улардан фойдаланиш учун юқори миқдордаги тўловларни талаб қилиниши ривожланаётган давлатларда фермер хўжалиklarини фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Ушбу иккита муаммо назария ва амалиётни бир-биридан узоқлаштиришга маълум даражада хизмат қилмоқда. Бу муаммо кўпинча ривожланаётган ва қоқоқ давлатларга кўпроқ хос ҳисобланади.

Бу эса оддий қиммат бўлмаган, соддалаштирилган, моделлаштириш бўйича билимга эга бўлмаган киши ҳам бемалол фойдалана оладиган дастурларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Фикримизча, келтириб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши, бугунги кунда долзарблик касб этаётган ресурслар тақчиллиги масаласининг оптимал ечимларига эга бўлиши максимал даражада маҳсулот етиштириш имкониятини яратиб беради.

Саламат МЫРЗАТАЕВ,
катта ўқитувчи

Қорақалпоқ давлат университети кенгаши котиби.

АДАБИЁТЛАР

1. Waugh F. 1951. The minimum cost diary feed. Journal of Farm Economics 33(3): 299–310.
2. Heady E.O. 1954. Simplified presentation and logical aspects of linear programming technique. Journal of Farm Economics 36(5): 1035–48.
3. Norton R.D. and Schiefer G.W. 1980. Agricultural sector programming models: A review of alternative approaches. European Review of Agricultural Economics 7(October): 229-64.
4. Walangitan H.D., B.Setiawan, B.T.Raharjo and B.Polii. 2012. Optimization of Land Use and Allocation to Ensure Sustainable Agriculture in the Catchment Area of Lake Tondano, Minahasa, North Sulawesi, Indonesia. International Journal of Civil & Environmental Engineering IJCEE-IJENS Vol: 12 No: 03 p 68-75.
4. Reddy S.S., Ram P.R., Sastry T.V.N. and Devi I.B. 2008. Application of operations research techniques to farm management. Agricultural Economics, pp 255–97. Oxford & IBH Publication Co. Pvt Ltd, New Delhi.

ТАДҚИҚОТ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КООПЕРАЦИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Қишлоқ хўжалигида хўжалик муҳим ўрин тутати. Кооперация коритишининг турли-туман шакллари системасида кооперация деганда мавжуд ишлаб чиқариш мулклари ва молиявий ресурс-

The article contains scientific and practical proposals and recommendations that will allow to further develop the agricultural sector on the basis of improving cooperation.

В статье представлены научно-практические предложения и рекомендации, которые позволяют развивать отрасль на основе совершенствования кооперации в сельском хозяйстве.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари ишлаб чиқариш кооперацияни ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш босқичлари ва асосий мақсадлари

Ислоҳотларни ўтказиш босқичлари	Меъёрий-ҳуқуқий базанинг асосий мақсадлари	Меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш йўналишлари
Ислоҳотларнинг дастлабки босқичлари	Кооперацияни ривожлантириш учун ижтимоий иқтисодий муҳитни шакллантириш	Хусусий ва кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмаларни ривожлантириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
Ислоҳотларни чуқурлаштириш	Кооперациялашган хўжаликлар ўзаро муносабатларини тартибга солиш	Кооперация, унинг турлари, фаолияти кўрсатиш ва уни қўллаб-қувватлаш механизмлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини шакллантириш
Бозор иқтисодиётини шакллантириш	Кўп укладли иқтисодиётнинг узвий қисми сифатида кооперация тизимини шакллантириш	Кооперация ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мустақил сегментини ривожлантириш

лари, мустақиллиги ва ташаббускорлиги асосида иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу соҳасида умумий ишлаб чиқариш мақсадларига эришиш учун ихтиёрий бирлашадиган корхона ёки ишлаб чиқариш бўлинма ходимлари маълум қисмининг ташкилий шакли тушунилади.

Қишлоқ хўжалигида кооперациянинг зарурлиги, энг аввало, бир бутун ижтимоий ишлаб чиқаришга бево-сита мустақил қўшила олмайдиган алоҳида деҳқон, деҳқон хўжалиги, ижарачилар ва бошқалар каби – майда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг мавжудлигига бево-сита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2019 йилдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239 қарорида мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги таъкидланган, шу билан бирга, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта

ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Кооперацияга қатнашувчиларнинг составига қараб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

а) Деҳқон хўжалиklarининг ишлаб чиқариш-сотишга мўлжалланган кооперативларга бирлашиши (деҳқон кооперацияси);

б) Ўсимликчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқ кооперативларига ички хўжалик ижара пудрати системасидаги бирламчи ижара коллективларини бирлаштириш (ички хўжалик кооперацияси);

в) Жамоа хўжалиги шаклидаги кооперативларга алоҳида деҳқонларнинг бирлашиши (қишлоқ хўжалик кооперацияси);

г) Корхона ва бошқа хўжаликлар иштироқида бирлашиш (хўжаликлараро бирлашиш).

Қишлоқ хўжалигида кооперативлар деҳқонларнинг, ижарачиларнинг, деҳқон хўжалиklarининг бошқа фуқароларнинг хоҳиши бўйича ташкил этилади. Унинг ташкил этилиши қандайдир алоҳида кенгаш, хўжалик ва бошқа органларнинг махсус руҳсати билан боғланмаган. Кооператив

аъзоси кооперативнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қатнашишга хоҳиши ва қобилияти бўлган ҳар бир 16 ёшга тўлган фуқаролар бўлиши мумкин.

Жамоа хўжалиklarини трансформация қилиш барча бўлинмаларни ички хўжалик ижара пудрати ва ширкатларга айлантириш йўли билан боради. Ўз навбатида барча ижара коллективлари ўсимликчилик, чорвачилик ва бошқа бирламчи тармоқ кооперативларига бирлашадилар. Булар ҳаммаси деҳқоннинг кооператив мулкка – ерга, бошқа ишлаб чиқариш воситаларига яқинлашишига ва улардан фойдаланиш муносабатларини ўзгартиришга имкон беради. Юқоридаги шартларга риоя қилганда у ўзининг ишлаб чиқариш яхлитлигини сақлаб қолади ва кооперативларнинг кооперативига айланади. Ижара ва кооператив муносабатларининг кенг ўзлаштирилиши ишлаб чиқаришни самарали юргизиш учун зарур шароит яратади.

Бугунги кунда юзага келган ва шаклланган ўзаро кооперация муносабатларини янада такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мавжуд шериклар билан амалга оширилаётган кооперация алоқаларини амалий жиҳатдан инвентаризация қилиб чиқиш лозим;

- кооперация алоқаларини инвентаризация қилишда шерикларнинг мулкчилик шакли, бизнеси кўлами, яъни кичик ёки йирик бизнес субъекти эканлиги, иқтисодиётнинг қайси тармоғида фаолият олиб бораётганлиги, мамлакатимизнинг қайси минтақасида рўйхатдан ўтганлиги, мамлакатимизнинг қайси минтақасида жойлашганлиги, қайси минтақада фаолият юритаётганлиги, қандай турдаги ва ассортиментдаги товар ҳамда хизматлар ишлаб чиқараётганлигини таҳлил қилиш;

- ўзаро кооперация алоқаларидаги салмоғи, кооперацион алоқаларни давом эттириш истиқболларига таъсир кўрсатиш доираси, бевосита фермер хўжаликлари фаолиятининг шерик корхона фаолияти билан боғлиқлиги, кооперация алоқаларида томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва улушлари тақсимланишини таҳлил қилиш;
- истиқболда кооперация алоқаларини ривожлантириш мумкин бўлган устувор иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларни илмий жиҳатдан асослаган ҳолда мақсадли бозорлар томон ҳаракатланиш;

- кооперацион алоқаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини, кооперация алоқаларига томонларни жалб қилишни рағбатлантирувчи йўللарни кенг жорий қилиш;

- истиқболда корхонанинг кооперацион алоқалар орқали горизонтал ва вертикал ёки аралаш ҳолда бирлашув стратегияларини ишлаб чиқиш ва прогнозлаш.

Абдурауф ОБЛОҚУЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти таянч докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил 26 август
3. Вахитов. Кооперация: теория, история, практика. -М.: 2006.
4. Гибнер Н.П. Система кооперации. -М.:1911. стр.10
5. И.Н.Буздалов. Возрождение кооперации. -М.1990
6. Фармонов Т.Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари”. Тошкент : «Янги аср авлоди», 2004.

Polimer Galantery

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Надёжная полимерная продукция от производителя

☎ (+998) 94-638-33-33
☎ (+998) 95-142-31-19
☎ (+998) 97-342-50-08

✉ polimergalantery@mail.ru
🌐 www.polimergalantery.uz

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.



**Мамлакатимиз аҳлини, ағрар соҳа
ходимларини, жумладан, фермерлар
ҳамда ҳамкасбларимизни Энг улуг Ва
Энг азийз байрам – Муствақилликнинг 30
йиллиги билан чин дилдан табриклаймиз.
Оилавий шог-хуррамлик, бахт-саодат
тилаймиз.**

**Хива туманидаги "Рахимберган ҳожи Анбар"
фермер хўжалиги жамоаси**



ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИНИНГ ФИДОЙИСИ

Устозимиз Узоқбой Исмаилов 70 ёшни қаршиламоқда. У 1951 йил 12 сентябрда Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманида туғилган. 1969 йилда ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, 1970 йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Агрономия факультетига ўқишга киради. 1975 йили “Олим агроном” мутахассислигини олгандан кейин йўллама билан Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институтига ишга келади. У институтнинг “Алмашлаб экиш ва тупроқ унумдорлиги” лабораториясида кичик илмий ходим, катта илмий ходим, лаборатория мудури, агротехника бўлими бошлиғи, директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида 1998 йилгача ишлайди.



1978-1980 йилларда Бутун иттифок пахтачилик илмий тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олди. Уч йил давомида илмий ишлар олиб бориб, у 1983 йилда “Қорақалпоғистон Республикаси шимолӣ минтақасида ғўзани суғориш режимини оптималлаштириш” мавзусида диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва қишлоқ хўжалиғи фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси ерлари мелиоратив ҳолати қониқорсиз ва тупроқ унумдорлиғи паст бўлиши билан Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларидан фарқ қилади.

Шунинг учун, ёш олимни суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш муаммолари ўйлантирарди. У.Исмаилов кейинги йиллардаги илмий фаолиятини мана шу масаларни ечимини топишга бағишлайди. У 1975 йилдан 2000 йилгача тупроқ унумдорлигини ошириш йўллари топиш учун деҳқончилик институтида кейинчалик 2003 йилдан ҳозиргача Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида илмий ишлар олиб борди. Бу тадқиқотларни умумлаштириб, 1995 йили диссертация ёқлади “Ҳар хил ғўза алмашлаб экиш схемаларининг самардорлигини, тупроқ унумдорлигини ошириш ва уларни Қорақалпоғистон Республикаси минтақаларида табақалаштириш принципларининг илмий асослари” мавзусида қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори илмий даражасини олди.

У 2003 йилдан янгидан ташкил этилган Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалига директор лавозимига тайинланади. 2005 йилда профессор, 2015 йилда Турон фанлар академияси академиғи бўлиб тасдиқланади.

Республика фермерларига услубий ёрдам беришда устозимиз ҳеч қачон чарчамади. Унинг деҳқончилик соҳаси бўйича мутахассислар ва фермерлар учун яратган “Пахтачиликда алмашлаб экишнинг аҳамияти”, “Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий асослари”, “Деҳқончилик муаммолари ва уларни ечиш йўллари”, “Ғўза агротехникаси”, “Беда агротехникаси”, “Қишлоқ хўжалик экинлари агротехнологияси” номли монографиялари муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Олимлик ўқитувчилик фаолияти давомида талабаларга “Деҳқончилик”, “Умумий деҳқончилик”, “Деҳқончилик илмий изланиш асослари билан”, “Деҳқончилик ва мелиорация”, “Гидроэкология” фанларидан янги педтехнология асосида маърузалар ўқиб, уларга чуқур билим беришда доимо изланишда.

Бу борада “Деҳқончилик” (2012 й), “Деҳқончилик илмий изланиш асослари билан” (2015 й), “Деҳқончилик ва мелиорация” (2016 й), “Умумий деҳқончилик” (2018 й), “Деҳқончилик илмий изланиш асослари билан” (2019 й., ўзбек тилида), 2020 йили Қорақалпоқ давлат университети “Тупроқшунослик” таълим йўналиши учун “Умумий деҳқончилик”, “Деҳқончилик ва мелиорация” номли дарсликларини кўп нусхада нашрдан чиқарди.

Талабаларга дарс бериш билан бирга илмий ишларини давом эттириб, 2006-2008 йилларда “Пахта етиштиришда ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш”, 2012-2014 йилларда “Орол денгизи қуришининг ғўза ҳосилдорлиғи ва тупроқ унумдорлиғига таъсири, уни бартараф қилиш йўллари”, 2015-2017 йилларда “Жанубий Орол шўр тупроқ шароитида ғўзани озиклантиришда маҳаллий агро-рудаларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш”, 2017-2018 йилларда

“Қорақалпоғистоннинг шўр тупроқларини маҳаллий агро-рудаларни қўллаш асосида соғломлаштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва 2018-2020 йилларда “Ғўза ҳосилдорлиғи ва тупроқ унумдорлигини оширувчи алмашлаб экиш тизимларини такомиллаштириш” мавзусидаги давлат грантлари асосидаги лойиҳаларини бажаришга раҳбарлик қилди.

У.Исмаилов деҳқончилик соҳасида кадрлар тайёрлашга ҳам этибор қаратиб 1 фан доктори, 4 фан номзоди, кўплаб магистрлар ва бакалаврлар тайёрлади. Ҳозирги кунда 3 та таянч докторантларга ва 3 та мустақил изланувчи булғуси фан докторларига раҳбарлик қилмоқда.

Олимнинг 300 га яқин илмий ишлари хорижий ва республика журналларида, конференция материалларида чоп этилган бўлиб, шулардан 7 та монография, 7 та дарслик, 10 та ўқув қўлланмаси, 10 та услубий қўлланма, 20 та тавсиялардир.

У киши “Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, “Меҳнат фахрийси”, “Мустақилликнинг 10, 20, 25 йиллиғи” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Шунингдек, устозимиз намунали оила бошлиғи, рафикаси Гулзира опа билан 5 нафар фарзандларини тарбиялаб вояга етказмоқда ва ширин набиралар бобосидир.

Фурсатдан фойдаланиб, устозга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ҳамда кўп йиллик ҳаётӣ ва илмий педагогик тажрибаларини ёш авлодни тарбиялашга сарфлашларида бардавонлик тилаб қоламиз. Доим соғ саломат бўлинг, устоз!

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиғи ва Агротехнологиялар институти Деҳқончилик, қишлоқ хўжалиғи экинлари селекцияси ва уруғчилиғи кафедраси жамоаси ва шогирдлари.

МАЪНАВИЯТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев маънавият масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки, маънавият — миллат кўзгуси, ҳар қандай халқнинг ўзлигини аниқлашчи муҳим омиллардан биридир.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида маънавият — инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча, дея таъриф берилган. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадний, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият атамасининг асосида “маъно” сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламга унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва б. кирса, ички олами унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилошлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавиятдир. Озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди.

Оиламиз зиёлилар оиласи бўлганлиги сабабли маънавият, маърифат, маданият масалаларига, одоб-ахлоққа доимо катта эътибор бериб келинган. Шундан бўлса керак, кўчадан уйга келганда салом бериб кириш, овқатдан олдин кўлни ювиш, дастурхон атрофига катталардан олдин ўтирмаслик, овқатга ёши улуглардан олдин кўл узатмаслик, катталар, айниқса, келган меҳмонлар кўл ювиши учун сув куйиш, уларга сочиқ тутиш, келган меҳмонларнинг пойфазалининг чангини артиб, кийиш учун қулай қилиб тўғрилаб куйиш, кетишга отланаётганда уларнинг уст кийимини кийишга ёрдамлашиш қабилар қон-қонимизга сингиб кетган.

Туғилиб ўсган маҳалламдан кўчиб кетганимга қарийб қирқ йил бўлди. Болалигимизда маҳалла кўчаларидан катта ёшдаги кишилар ўтиб қолса, биз бир дақиқага ўйинимизни тўхтатиб йўловчига у, хоҳ эркак ёки аёл бўлсин, салом бериб, у нарироққа кетганидан сўнггина ўйинимизни давом эттирар эдик. Яқинда маҳаллада яшайдиган дўстимни йўқлаб борганимда кўчада ўйнаб юрган болалар ўйинларини (тўп тепишни) тўхтатиб, берган саломларига алик олар эканман, ёшлигимга қайтгандек бўлдим. Яхши анъаналар сақланиб қолиши нақадар қувонарли ҳол.

Бир йили Москвага хизмат сафарига юборилдим. Метрода кетар эканман, бир рус аёлига ўрнимдан туриб, жой бўшатдим. У “раҳмат” дея, мен бўшатган жойга ўтирар экан: “Ўзбекистонданмисиз” дея саволга тутди. Мен унга Тошкентдан эканлигимни айтганимда, у юзида табассум билан: “Демак, биз ҳамшаҳар эканмиз. Мен ҳам Тошкентда яшаганман. Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг бу ерга оиламиз билан кўчиб келдик. Бироқ Ўзбекистон, унинг пойтахти Тошкентга бўлган муҳаббатим ҳали-ҳануз сўнмаган. У ердаги одамлар ўзгача. Уларнинг тарбияси ҳам бошқача. Шунинг учун мен сизнинг айнан Ўзбекистондан эканлигингизни дарров билдим”, деди. Мен манзилга етганлигим сабабли ундан узр сўраб, вагондан тушиб кетдим.

Кўчада борар эканман, назаримда, ўша аёлнинг самимий сўзлари менга қанот бағишлагандек эди. Ахир, у мен кўрсатган арзимас эътиборим боис бутун ўзбек халқига ижобий баҳо берган эди-да...

Бизнинг нафақат оиламизда, балки барча қариндош-уруғларимизнинг уйларида катта ёшдаги оила аъзоси ўрнимдан турса, бошқалар ҳам ўрнимдан туриб, кўз билан бўлса-да, кузатиб кўйиш ва шундан кейингина жойига ўтириш одати эди. Мен турли ташкилотларда ишлаганимда ҳам бу одатга риоя қилиб келдим. Ишхонамга мендан ёши катталар, айниқса, аёл кишилар кирса,

албатта, уларга ўрнимдан туриб салом берар эдим. Менинг уларга кўрсатган эътиборим сабаб, улар ҳам менга ўзгача ҳурмат билан қарашар эди. Бу, доно халқимиз “Одамларга қандай муомаллада бўлсанг, улар ҳам сенга шундай муомаллада бўлишди”, деб бежиз айтмаганлигидан далолат эди.

Менинг онам томонидан бува ва бувим зиёли бўлишганлиги сабабли уларнинг қўлидан ҳеч қачон китоб тушмас эди. Улар иккаласи ҳам юз билан юзлашиб вафот этдилар. Худо раҳматиға олган бўлсин. Уларнинг ҳаётлик даврида йўқлаб борар эканмиз, салом-алиқдан сўнг қўлларига китоб олиб, бизларга у-бу ҳикояларни ўқиб беришарди. Бу одат тусига кириб қолганлиги сабаб, биз айтмоқчи бўлган гапларимизни улар қўлларига китоб олгунларига қадар гапириб олишга ҳаракат қилар эдик. Бувимлар доимо “Майда-чуйда гаплардан кўра бир бет бўлса-да, китоб ўқиган фойдалироқ” деб, бизни китоб ўқишга ундардилар.

Бува-бувиларимиз каби онамиз ҳам китоб ўқишга қизиқар эдилар. Болалиги мураккаб даврда ўтганлиги сабабли, ўқишни тўлиқ битира олмаганликлари учун афсусланар эдилар ва бизларни яхши ўқишга, китобга меҳр қўйишга даъват этардилар. Асосийси, улар ҳеч қачон овозларини баланд қилиб гапирмас, хато иш қилиб кўйсак урушмас, нари борса, “болагинам тушмагур-эй” деб танбەҳ бериб кўяр эдилар, холос. Лекин бизларга шунинг ўзи ҳам етарли бўларди. Биз қилган хатойимиз учун кечирим сўраб, уни зудлик билан бартараф этишга ҳаракат қилардик.

Онамизнинг яна бир одатлари, шўхлик қилсак: “Аданг эшитса хафа бўлади”, деб койиған бўлар эдилар. Бу ҳам бизларга жуда қаттиқ таъсир қиларди. Бувимиз ҳам буваимизга у-бу нарсдан норози эканликларини кўрсатмоқчи бўлсалар, гапларини “Тақсир” сўзи билан бошлар эдилар. Бу сўзни эшитган буваимиз бир пастда ўзларини зийрак тутар эдилар.

Отамиз раҳматли ҳаётликларида оқибат йўқолмаслиги учун бизларни доимо бува-бувимизни, тоғаларимизни, амакиларимизни кўришга юборар эдилар. Ўзлари турли масъул лавозимларда ишлаганликлари учун меҳмондорчиликларга боришга кўп ҳам вақт ажрата олмасдилар. Бир куни менинг кўлимга иккита патир тутқазиб, ўйимизга меҳмон бўлиб келган, тенгдошим, аммамнинг ўғли, дўстим Алишер билан тоғаларидан бири Жаҳонгир акани йўқлаб келиш учун юбордилар. Жаҳонгир муллададаннинг уйига борсак, улар телевизор орқали қандайдир қизиқарли кўрсатувни томоша қилаётган эканлар. Биз салом-алиқдан сўнг “телевизор кўрар эканмиз-да”, деган хаёл билан бир-биримизга қараб кўйдик. Буни қарангки, мезбон бизга қараб: “Телевизорни ҳар куни кўра-верамиз, ундан кўра бир-биримизнинг суҳбатимизни олайлик”, дея телевизор “кулоғи”ни бурадилар.

Шундан сўнг суҳбатимиз қизиди. Бирров кириб чиқамиз деган эдик, суҳбат қизиганлиги учун анча вақт қолиб кетганимизни ҳам сезмай қолдик. Суҳбатимиз шунчалик мазмунли бўлдики, уларнинг қилган насиҳатлари ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Жаҳонгир ака ўзлари билиб-билмаган ҳолда бизларга одоб-ахлоқдан сабоқ берган эдилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ўсиб вояга етаётган ёш йигит-қизларимиз одоб-ахлоқли, маданиятли, кенг тафаккурли, юксак маънавиятли бўлиб етишишлари учун ҳаммамиз бирдек масъулият билан ёндашишимиз, бу борада Юртбошимиз кўйган вазифаларни сидқидилдан амалга оширишимиз даркор, деб ўйлайман. Шунда Янги Ўзбекистонга муносиб ёшлар улғайиб вояга етиши шубҳасиз.

Маҳмудхон ТОИРОВ,
меҳнат фахрийси, журналист.

ҲАММАМИЗГА ИБРАТ ЭДИ

Дунёи дунда шундай инсонлар бўладики, улар босиб ўтган ибратли умр йўли, самимий маслаҳат ва ўғитлари билан ҳамкасблари ҳамда шогирдларига ўрнак бўлиб, атрофидагиларни ёрқин келажак сари собитқадамлик билан интилиб яшашга ундайди. Техника фанлари доктори, профессор Шавкат Хударгенович Рахимов ана шундай раҳбар ва устозлардан бири эди. Бешафқат ўлим олимни яқинда 76 ёшида орамиздан олиб кетди.

Иқтидорли олим, моҳир мураббий, истеъдодли раҳбар Шавкат Рахимов бутун борлигини мамлакатимиз ирригация ва мелиорация соҳасини ривожлантиришга бағишлади. У 52 йиллик меҳнат фаолияти давомида кўпгина ёшларнинг илм йўлидан бориб, ҳаётда ўз ўринларини топишларига катта ҳисса қўшди. Шу ўринда олимнинг сермазмун умр йўлига назар ташласак.

Шавкат Рахимов 1945 йилда Хива шаҳрида туғилган. Ўрта таълим мактабини тамомлаб, 1963 йилда Москва Энергетика институтига имтиҳон топширади. Институти 1969 йилда “Сув энергетика қурилмалари” мутахассислиги бўйича битиргач, йўлланма билан Тошкентга – Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти (САНИИРИ) – ҳозирги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга келади.

Ўзининг ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги, илмга интилувчанлиги билан ажралиб турадиган Ш.Рахимов 1973-1975 йилларда институт аспирантурасида таҳсил олди. Номзодлик диссертациясини 1977 йилда Қирғизистон Миллий фанлар академияси қошидаги Автоматика институтида муваффақиятли ҳимоя қилди. Интилувчан фан номзоди илмий изланишларини давом эттириб, институтда катта илмий ходим, 1984 йилдан “Автоматик бошқарув тизимлари” бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатди. 1987 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида докторлик диссертациясини ёқлади.

Профессор Ш.Рахимов илм йўлидан бориб кам бўлмади. 1990 йилдан институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, 2004 йилдан 2017 йилгача институт директори лавозимларида ишлади. У бутун умрини мазкур институтига бағишлади. Унинг меҳнат дафтарчасида таълим олишдан ташқари фақат битта даргоҳ – Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (олдинги САНИИРИ) ёзилган.

Олим раҳбарлигида яратилган магистрал каналлар ва насос станцияларининг математик моделлари ва бошқариш усуллари бугунги кунда Қарши магистрал канали, Аму-Бухоро машина канали, Аму-Занг машина канали, Жиззах бош насос станцияси ва бошқа йирик сув ҳўжалиги объектларида кенг фойдаланилиб келинмоқда.

Шавкат Рахимов Жаҳон банки, Европа Иттифоқи, Осиё Тараққиёт банки ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилган, Марказий Осиё минтақасида сув ресурслари ва экологик муаммоларни ечишга бағишланган бир қатор лойиҳаларнинг ижросиси ва раҳбари бўлган.

У раҳбарлик қилган даврда институт, том маънода, гидротехника, ерлар мелиорацияси, гидромелиоратив тизимларни эксплуатация қилиш ва сув ҳўжалиги қурилиши соҳасида илмий фикр ва илмий-ишлаб чиқариш тадқиқотлари-марказига айланди.

Ўз замонасининг донишманди буюк Пифагор шундай деган экан: “Ўзоқ умр кўриш ва номинг қолишини хоҳласанг, ўзингдан тарбияли фарзандлар ва яхши китоблар қолдиргин”.

Шу жиҳатдан қараганда, Шавкат Рахимовнинг номи неча-неча асрлар давомида тилга олиниши шубҳасиз. Унинг кўп йиллик тадқиқот ва изланишлари самараси ўлароқ 250 дан зиёд илмий мақолалар, 16 та патент ва ихтиролар яратилган. 6 та монография, 20 та илмий ишланмалари хорижий мамлакатларда чоп этилган. Олимнинг илмий раҳбарлигида 16 нафар фан номзоди, 2 нафар фан доктори ўз илмий ишларини муносиб ҳимоя қилган.

Устознинг оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Фарзандларининг барчаси ўқимишли, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар. Тўнғич қизи Лайло тажрибали гинеколог шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, доцент. Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази раҳбарининг ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда. Иккинчи қизи Феруза Тошкент



давлат техника университети ўқитувчиси. Ўғли Санжар Ўзбекистон ҳаво йўллари тизимида иқтисодчи мутахассис бўлиб ишлайди.

Олим Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини муҳаннизациялаш муҳандислари институти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий Кенгашларнинг аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатган.

2017 йилдан институтнинг “Сув ҳўжалигида замонавий ахборот технологиялари ва сув ресурсларини бошқариш” лабораторияси бош илмий ходими лавозимида ишлаб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларини интеграллаштирилган бошқариш, уларни оқиллона тақсимлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш, ҳисоб-китоб қилиш ва гидротехника иншоотлари (сув омбори, тўғон, канал ва насос станциялари)ни ишончли ишлатиш тизимларининг илмий асослари ишлаб чиқиш ишларига бошчилик қилиб келаётган эди. Бу изланишлар олимнинг шогирдлари томонидан изчил давом эттирилиб, ўзининг ижобий ечимларини топиши шубҳасиз.

Профессор Шавкат Рахимов ўзига ва кўл остидаги ходимларга нисбатан ўта талабчан, айна пайтда меҳрибон вағамхўр инсон эди. Қандай ишга кўл урмасин, уни маромига етказиб бажаришга интиларди. Бор билим ва тажрибасини ҳеч кимдан аямайдиган, қалби пок, бағрикенг, камтарин инсон Шавкат Хударгенович билан замондош, ҳаммаслак бўлганлигимиздан доимо фахрланамиз.

Ш.Рахимов яратган илмий мактаб, у қолдирган илмий мерос кўп йиллар давомида ёшлар йўлини маёқ сингари ёритиб туриши шубҳасиз. Зеро, олим ёққан чироқ асло ўчмайди.

Бир гуруҳ дўстлари ва шогирдлари.

ЯШАБ ЎТДИ БИР ЎКТАМ ИНСОН

Кечагина ёнингда ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб турган, биргаликда катта-катта лойиҳаларни амалга оширган инсон ҳақида бугун ёднома ёзиш ниҳоятда мушкул. У ҳақда хотиралар куйилиб келади, эзгу амаллари кўз олдиндан кино тасмасидек бирин-кетин ўтади, ўтирсанг ҳам, турсанг ҳам ўйлайверасан, ўйлайверасан... Лекин, кўлингга қалам олган чоғ хаёллар тумандек тарқаб, дилингни оғир бир маъюслик қамраб олади. «Ҳали яшаши керак эди, қиладиган бир дунё ишлари бор эди, кексайиб, мункиллаб қолгани йўқ эди-ку», деган изтиробли фикрлар кечади кўнгилдан. Аммо, начора, тақдирнинг ҳукмига бўйсунибдан ўзга чора йўқ...



Мен Ўктам Пардаевич Умурзоқовни талабалик давримдан бери билман. У ёш, ғайратли, самимияти исмига яраша ўктам домла эди. Институтни битириб, мен вилоятга ишга кетдим. Ҳаёт йўлларимиз туташ экан, пойтахтга сув хўжалиги бўйича масъул лавозимга келганимдан сўнг яна учрашдик. Йиғилишларда, тадбирларда бирга қатнашдик.

Ҳамкорлигимиз 2018 йилда Президентимиз қарори билан Сув хўжалиги алоҳида вазирлик сифатида ташкил этилганидан сўнг, айниқса, янада кучайди. Ўктам Пардаевич вазирлик ҳайъати аъзоси сифатида кучли жамоани шакллантириш, янги вазирлик фаолиятини йўлга қўйиб олиш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. У доимо янги ташаббус, кутилмаган ғояларни илгари сурар эди.

Масалан, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини тайёрлашда ўзининг ниҳоятда

қимматли, ўта залварли фикрлари билан иштирок этди.

Айниқса, Президентимизнинг 2019 йил 9 октябрда қабул қилинган "Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда унинг хизматлари катта бўлди.

Сув хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ташкилотларида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти соҳага оид кафедраларининг ихтисослаштирилган синфларини жойлаштириш тўғрисидаги норманинг мазкур қарорга киритилиши айнан Ўктам Пардаевичнинг ташаббуси эди.

Шу билан бирга, илмий ва профессор-ўқитувчилар таркибидан, лойиҳа институтлари вакиллари билан, шу жумладан, чет эл мутахассисларидан иборат бўлган, шунингдек, сув хўжалигида лойиҳалаштиришнинг замонавий усуллари ва стандартларига амалиётда ўқитиш учун иқтидорли талабаларни жалб қилган ҳолда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш му-

ҳандислари институти ҳузурида ихтисослаштирилган лойиҳа гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи ҳам қарорда ўз аксини топди.

Охириги тўрт йилда Ўктам Пардаевич иштирокида кўплаб янгиликлар жорий этилдики, уларнинг нақадар муҳим эканлигини сув хўжалиги соҳасида узоқ йиллардан буён ишлаб келаётганлар яхши тушунади. Хусусан, 2020 йил 1 январдан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилган ҳолда сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан амалга оширилаётган лойиҳаларга кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича махсус компонент киритилди.

Илмий ва илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг ҳисоб-китобига лойиҳа-қидирув ишлари умумий қийматининг 10 фоизигача миқдорда қўшимча маблағлар киритиш амалиётга мажбурий жорий этилди.

Ушбу маблағларнинг 50 фоизи лойиҳа-қидирув ишларини илмий-техник жиҳатдан кузатишни молиялаштиришга йўналтирилади, уларга фақат маҳаллий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, шунингдек, алоҳида олимлар белгиланган тартибда жалб қилинади.

Маблағнинг қолган 50 фоизи вазирлигимиз ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Бунда мазкур маблағлар фақат сув хўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш мақсадида республика таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига грантлар ажратиш учун сарфланади.

Бу механизмнинг йўлга қўйилиши сув хўжалиги соҳасида сифатли кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда тарихий ҳодиса бўлди, десам зинҳор муболаға қилмаган бўламан.

Ў. Умурзоқов бутун умрини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига, сув хўжалиги илм-фани ва таълим соҳасини ривожлантиришга бағишлади. У институтга ректорлик қилган даврда сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш тармоқлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, институтнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш борасида катта ва бемисл ишлар амалга оширилди.

Натижада, институт мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг 2019 йилги рейтингда иккинчи ўринни эгаллагани, 2020 йилда Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг энг яхши университетлари

рўйхатига киргани ҳам Ўктам Пардаевичнинг фидокорона меҳнатлари мевасидир. Яна бир жиҳатни эътироф этиб ўтиш керак, сўнгги йилларда мазкур ўқув маскани талабаларига ҳавас қилиб, ушбу даргоҳга ўқишга кирмоқчи бўлган ёшлар сони кескин ошди. Олийгоҳ ёшлар ўртасида бренд таълим даргоҳларидан бирига айланди.

Шу ўринда бу йил илк мартаба институтдан 100 нафар талаба Жиззах вилоятида, 80 нафари Сирдарё вилоятида ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалиётини эксперимент тариқасида ўтаганини айтиб ўтиш жоиз. Лойиҳаларнинг буюртмачиси, бош пудратчи ва сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари мутахассислари талабаларни қурилиш объектлари ва сув хўжалиги иншоотларига олиб бориб, уларни лойиҳа-смета ва қурилиш назорати ҳужжатлари билан таништириб, замонавий қурилиш ва сувни оқилona бошқариш услублари, техникаси ва технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий машғулотларни ўтказди. Талабалар, аниқроқ айтганда, сув хўжалигининг ёш кадрлари учун катта фойда берган бу тажриба келгусида ҳам, албатта, давом этади.

Ўктам Пардаевич, нафақат, республикамиз сув хўжалиги соҳаси ривожини, шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳам улкан ҳисса қўшди. Минтақада сув ресурслари билан боғлиқ мавзудаги халқаро конференциялар, анжуманларда у доим фаол қатнашар эди. Энг муҳими, институтда йилига ўндан ортиқ халқаро анжуманлар уюштирар, таъбир жоизки бўлса, сув ресурслари бўйича халқаро экспертлар ва маҳаллий мутахассисларнинг бошини бир жойга қовуштирар ва албатта ҳамиша ҳеч ким кутмаган инновацион ғоялар, таклифларни илгари сураб эди.

Масалан, 2018 йил 8 июнь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Марказий Осиёдаги биринчи Сув ресурсларини бошқаришга доир инновациялар ва илмий тадқиқотлар кластери фаолиятига старт берилди. Кластер Марказий Осиё минтақавий экологик маркази қўллаб-қувватлаши остида ишга туширилди.

Ушбу маскан ҳозирда билимли ёшларга шароитлар яратиш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида алоқалар ўрнатиш учун ўзига хос платформа сифатида хизмат қилмоқда.

2021 йилда БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Европа Иттифоқининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш” қўшма лойиҳаси доирасида институтнинг “Замонавий сув тежовчи технологиялар” ўқув-илмий маркази ишга туширилди. Бу ерда бўлажак сув хўжалиги мутахассислари амалиёт ўтади, докторантлар сув тежовчи технологиялар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради, фермерлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш имконияти ҳам мавжуд.

Ўктам Пардаевичнинг эзгу амаллари ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Келгусида сафдошлари, шогирдлари унинг ибратли умр йўли, педагогик фаолияти, эзгу ишлари ҳақида кўплаб мақолалар ёзишади, албатта.

Менинг юрагимда қолган армон шулки, ҳали тетик эди, кексаликка бўй бермаган эди. Начора, қисмат экан...

Унинг хайрли ишларини ҳамжиҳат жамоаси, иқтидорли шогирдлари давом эттираётгани кўнгилга таскин беради.

Шавкат ХАМПАЕВ,

*Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирини,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.*

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV
XO'JALIGI VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Shuhrat G'ANIYEV
Jamshid XO'JAYEV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Botirjon SULAYMONOV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2021-yil,
sentabr №9.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq va
suv xo'jaligi" jurnalidan olindi",
deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, таракқиёт ва фаровонлик асоси.....	1
Мукофот муборак!	3
<i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.</i> Республика ҳудудларида гулчилик ва қўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида	5
Э.АБДУАЛИМОВ, И.ТАШБАЕВ. Янги Ўзбекистон: кишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиш йўлида.....	7
Ф.ҚИРГИЗБОЕВ, А.МИРЗАЕВ. Узумчилик истиқболи.....	9
М.ТОШБОЛТАЕВ, Р.ХУДАЙКУЛИЕВ, А.КОДИРАЛИЕВ. Пахта теримини отряд усулида ташкил этиш	11
Х.АБДУЛЛАЕВА, А.ҚОСИМОВ, Н.ДЖАЛИЛОВ, Ж.ГАФУРОВ. Сентябрь – саришта қиладиган ой	13
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, Е.ЛЯН. Иссикхоналарда кишки сабзавот етиштириш	14
Х.КАРИМОВ. Ўзбекистоннинг эрони кизи.....	16
К.ЭРГАШЕВ. Мен ирригаторман.....	18
Ш.НОРМУРОДОВ. Ирригация-мелиорация тадбирлари — келгуси ҳосилга замин	19
Х.ҒИЁСОВ. Қорамолларнинг генетик электрон базаси яратилди.....	20
А.РАҲИМОВ, У.ҚУРБОНОВ. Бош мезон – қонун устуворлиги	21
«Навобод насли парранда»: таракқиётга янги кадам.....	22
Бахт қалити меҳнатда	24
Р.ТОҶАЛИЕВА. Замондош билан юзма-юз.....	25
Ш.ЖАББАРОВА. Сойни орзу қилган чорвадор	26
У.МАМАЖОНОВ. Ёшларга эътибор — келажакка эътибор	28
У.КАЮМОВ, В.АВТОНОМОВ, А.РАВШАНОВ, А.ҚУРБОНОВ. Эффе́кты окс и скс при формировании признака «Индекс волокна» у сортолинейных гибридов F ₁ G. Barbadosense L.	29
Ф.ХАЛИЛОВА, А.САНАКУЛОВ. Анғизда мош етиштиришда молибден (Мо) микрэлементидан турли усулларда фойдаланиш.....	30
Т.ХОЛМЎМИНОВ. Сроки посева семян и высадки рассады перца сладкого в центральной зоне Узбекистана	33
Ф.ҒОШПОРОВ. Ғўзани суғориш муддатларини рефрактометр ёрдамида тезкор усулда аниқлаш	34
З.ХАФИЗОВА, Ж.МУРАДОВ. Суғорма деҳқончилиқда ташкил этилган фермер хўжалиқлари ер майдонларининг таҳлили (Ўрта Чирчиқ тумани мисолида)	37
С.МЫРЗАТАЕВ. Экинларни оптимал жойлаштириш масаласини ечишда ахборот технологияларидан фойдаланиш	38
А.ОБЛОҚУЛОВ. Қишлоқ хўжалиғида кооперациявий муносабатларни ташкил этиш хусусиятлари ва тамойиллари	39
Деҳқончилик илмининг фидойиси.....	43
М.ТОИРОВ. Маънавият оиладан бошланади.....	44
Ҳаммамизга ибрат эди	45
Ш.ХАМРАЕВ. Яшаб ўтди бир ўқтам инсон.....	46

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam
bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: uzqxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2021-yil 3-sentabr.
Bosishga ruxsat etildi: 2021-yil 3-sentabr. Qog'oz
bichimi 60x84 1/8. Ofset usulida ofset qog'oziga
chop etildi. Shartli bosma tabog'i – 4,2. Nashr bosma
tabog'i – 5,0. Buyurtma №9. Nusxasi 1000 dona.


«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa
bo'limida chop etildi.

Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Uchtepa
tumani, Sharaf va To'qimachi ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – B.ESANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV

Юрдошларимизни энг улуғ айём –
мамлакатимиз мустақиллигининг
30 йиллиги билан муборакбод
этишдан ифтихордамиз.
Бағрикенг халқимизга тинч ва
фаровон ҳаёт ёр бўлсин.

**Аму-Бухоро
ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси
ҳузурдаги насос
станциялари ва
энергетика бошқармаси
жамоаси**





Қуйи Чирчиқ туман

«ТСТ агро кластер» жамоаси

**Халқимизни, фермер ва деҳқон хўжаликлари
меҳнаткашларини, ҳамкор ва жамоатчи**

биродарларни ватанимиз

Истиқлолининг 30 йиллиги

билан муборакбод этади!

**Ҳар кунингиз байрам қувончларига тўла,
саодатли, толеингиз баланд бўлишини
тилаб қолади.**